

УНДИРУВЧИ ҲАЛОЛ БЎЛМАСА...

Баъзи амалдорлар қарзларни ундириш ўрнига қарздорларнинг айбини ёпиш эвазига қиссаларини қаппайтиришга уринишяпти. Уларнинг ўзлари ҳалол бўлмагач, бошқалардан нимани кутиш мумкин?

2 БЕТ

АСОСЛИ ВА АСОСИЗ ДАВВО

Унга нисбатан жиноят иши кўзга тушибди, рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бу билан қаноатланмаган 42 нафар фуқаро тахририятимизга ариза билан мурожаат этишди.

4 БЕТ

ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАР

Ун қўлини пахта мизинча ўшиқрайган бу кимсани кўриб дод қолдим. Кўз ўнгимда ўтган сафар кўрганим ширинсўз, устозини ялаб-қолаган шогирд эмас, бефаросат, қалондимор раҳбар турарди.

9 БЕТ

СОХТА МУҲАРРИР

Орамизда назоратчининг адреси, иш жойи-ю хизмат гувоҳномасини сўраб-суриштиришга истихлова қилаётганлар ҳам бор. Бундан фойдаланган фирибгарлар...

10 БЕТ

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

2007-yil 1-fevral, № 05 (526)

Анжуман



Терроризм ва гиёҳвандликка йўл йўқ

Тобора авж олаётган глобаллашув жараёни дунё ахлига қўлпала кулайликларни берди. Бироқ эндиликда хавфсизликка бўлган таҳдид ҳам глобал аҳамият касб этди. Бугунги кунда нарқобизнес, терроризм, экстремизм хавфидан холи ҳудудни топиш қийин. Айни пайтда халқаро ҳамжамият шу жумладан Ўзбекистон ҳам мана шундай глобал хавф-хатарларга қарши жиддий кураш олиб бораётир.

қарши курашиш ва уларнинг олдини олишдаги муаммолар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуманда Вазирлар Маҳкамаси, Бosh прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа муассасаларнинг мутасаддилари, жамоат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

нистоннинг ёнгинамизда жойлашганлиги боис биз учун бундай хавфнинг қўлами катта эканлиги алоҳида қайд этилди. Гиёҳвандлик воситаларининг ёшлар орасида тарқалиши миллат генофондининг бузилишига олиб келиши мумкинлиги, унга қарши курашга қатъий қарор қилиниши айтиб ўтилди. Шундан кейин Бosh прокуратура бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Б.Дехқонов, Миллий хавфсизлик хизмати бошқарма бошлиғи Ш.Азимов, Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Ақбаровлар сўзга чиқиб, диний экстремизм ва нарқобизнесга қарши курашга оид мулоҳазаларини баён этдилар.

Ўз мухбиримиз

Сарҳисоб

Йил якуни ва келгусидаги вазифалар

Ўзбекистон Ҳарбий прокуратурасида Ҳарбий прокуратура органларининг Куролли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш, Ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2006 йилги фаолиятининг якунилари, келгусидаги вазифаларни белгилаш юзасидан кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини Бosh прокурор ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Шухрат Узоқов кириш сўзи билан очиб, Ҳарбий прокуратура органлари томонидан 2006 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон президенти — Куролли Кучлар олий бosh қўмондон Ислам Каримовнинг «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»даги талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, уй-жой ва машина шартоти, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш, конституция билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш бўйича асосий вазифалар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида прокуратура органларининг муҳим ўрни бор.

Сурхондарё вилоят прокуратурасида ўтказилган ҳайъат мажлисида 2006 йил мобайнида вилоят прокуратураси органлари зиммаларидаги вазифани қай даражада бажарилгани таҳлил қилинди. Мажлисини вилоят прокурори Д.Абдураҳмонов очди ва олиб борди. Мажлисида вилоят прокурорининг биричи ўринбосари Бахриддин Эргашевнинг вилоят прокуратурасининг ўтган йилги фаолияти ва келгусидаги вазифаларга оид ахбороти тингланди.

Эришилган ютуқлар қайд этилиб, айрим хато ва камчиликларни бартараф этиш хусусидаги мулоҳазалар ҳам билдириб ўтилди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Бosh прокурорининг ўринбосари Равшан Мухитдинов иштирок этди.

30 январ кунини Хоразм вилоят прокуратурасида вилоят прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида 2006 йилги амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифаларига бағишланган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Кун тартибиданги масала юзасидан вилоят прокурорининг биричи ўринбосари Иброҳим Давлетовнинг мазъраси тингланади ва камчиликларни бартараф этиш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

Ҳайъат мажлисида Республика Бosh прокурорининг ўринбосари Комилжон Исмоилов сўзга чиқди. Мухоамама этилган масала юзасидан ҳайъат мажлиси тегишли қарор қабул қилди.

(Давоми 4-бетда).

Усмир ва қонун

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши кураш умумий жиноятчиликка қарши курашнинг ажралмас бўлагидир. Охириги йилларда мазкур жиноятчиликнинг гоҳ ўсиш, гоҳ пасайиш ҳолатлари кузатишмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари ҳамда ёшларни ижтимоий меҳнатга ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул бўлган бошқа ташкилотлар фаолиятини таҳлил этадиган бўлсак, ижобий натижаларни кузатиш мумкин.

Маълумки, жиноят — ижтимоий хавфли иллатдир. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш деганда жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф қилишга қаратилган чоралар йиғиндисиди тушунилади. Бунда ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот тадбирларининг аҳамияти катта.

27 январ кунини Тошкент юридик коллежида «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбати иштирокчилари мазкур мавзуда фикр алмашдилар.

Ўз мухбиримиз

Хабар

Ёш мутахассислар ўқимокда

2007 йилнинг 29 январ кунини Ўзбекистон Бosh прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида туман ва шаҳар прокуратураларининг ёш мутахассислари учун «Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари» дастури доирасида икки ҳафтalik ўқув машғулоти бoshланди.

Тингловчилар бу даврада маъруза ва амалий машғулотларда қатнашишдан ташқари Олий суд, Олий ҳўжалик суди судьялари, Адлия ва Ички ишлар вазирликларининг раҳбар ва тезкор ходимлари билан мулоқотда бўладилар. Парламент қўни палатаси қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари билан давра суҳбати ўтказадилар.

Шунингдек, дастурдан суд-тиббий ва суд-криминалистика экспертизасининг замонавий имкониятлари, экспертлар билан ҳамкорлик масалалари ўрин олган. Тингловчилар имтиҳонларга тайёргарлик кўриш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун марказнинг янги шуги туширилган ётқонхонаси ва Бosh прокуратуранинг спорт-соғломлаштириш марказидан фойдаланишлари мумкин.

А.БОБОБЕКОВ, марказ ходими

Қонун барчага баробар

СОҒЛИҒИНГИЗ ЎЗ ҚўЛИНГИЗДА

Бир пайтлар туман ва шаҳарларда нари борса биттагина марказий дорихона мавжуд бўлиб, унда ҳам керакли дориларни топиш амри маҳол эди. Ҳозирги кунда эса мамлакатимизда 5000 га яқин дорихона халқимизнинг эҳтиёжини имкон даражасида қондириб келмоқда. Улар ўртасида рақобат муҳитининг қарор топиши дори-дармонлар нар-

ҳининг барқарорлашувига ижобий таъсир кўрсатаяпти. Бу яхши албатта. Лекин дорихоналар фаолиятини белгиланган тартибда ташкил этиш, уларда дори-дармонларнинг сақланиши ва хизмат кўрсатишдаги муаммолар ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Бosh прокуратура ҳузуридagi Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромад-

ларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти мамлакатимиз бозорини қалбаки дорилар ва тиббий буюмлардан ҳимоялаш мақсадидан назорат ҳамда ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Натжида мазкур йўналишда 2006 йили 54 та ҳўқуқбузарлик ҳолати фош этилди. 19 та жиноят

иши ва 35 та маъмурий иш кўзга тушиб, ҳўқуқбузарлардан 55,1 млн. сўмлик дори-дармон олиб қўйилди. Мазкур дориларнинг 40,4 млн. сўмлик контрабанда йўли билан чет элдан келтирилган бўлиб, қолган маҳсўлотларнинг 2 млн. сўмлик қалбаки, 2,9 млн. сўмлик давлат рўйхатидан ўтмаган дори-дармонлардир.

(Давоми 4-бетда).

Рўзгор муаммоси — маош муаммоси

Хар биримиз эрта тонгданоқ ишга отланамиз. Лекин маош ўз вақтида берилмас, албатта ишдан кўнглингиз совиёди. Оқилда иқтисодий муаммолар пайдо бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида ким ҳам маошини вақтида бермайдиган ташкилотда ишлайди дейсиз?

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўлинишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси бўйича Тошкент вилоят прокуратураси органлари ўтказган текширишларни таҳлил қиладиган бўлсак, вилоят бўйича 2006 йил 1 январьга аш ҳақидан қарздорлик 4,9 млрд. сўмни ташкил этган. Прокуратуранинг бевосита аралашуви тўғрисида қарздорликнинг кескин камайишига эришилди. Яъни, 2007 йил 1 январьга аш ҳақидан қарздорлик 333 млн. сўмни ташкил этди. Жумладан, Олмалиқ шаҳридаги «Арофат» уй-жой мулкдорлари ширкати мансабдорлари вазифасига совуққонлик билан қараганлиги ва 2006 йил 1 ноябрга аш 5,7 млн. сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзини ундириш чорасини кўрмаганлиги натижасида ҳодимларнинг 2,1 млн. сўмлик иш ҳақи берилмай келган. Маскур ҳолат юзасидан шаҳар прокуратураси жиноят иши кўзгайтиб, тергов ўтказмоқда.

Баъзи ташкилот раҳбарлари ҳодимлардан иш талаб қилишни билмади. Лекин маошини вақтида беришга келганда баҳона қидиради. Масалан, Юқоричирчик туманида жойлашган «Автоўлқурилик» ОАЖ раҳбари Т.Цой ва бош ҳисобчи Ҳ.Файзалыева

иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса-да, бундан хулоса чиқармасдан 2006 йилнинг 1 октябрга аш 34,1 млн. сўмлик қарздорликнинг келиб чиқишига йўл қўйилган. 16 октябр кун иш прокуратураси шу ҳолат бўйича жиноят иши кўзга ашди.

Кейинги пайтларда ўқитувчиларнинг маоши ҳам жойлардаги баъзи мансабдорларнинг айби билан вақтида берилмапти. Паркент тумани халқ таълими бўлими мудир Ш.Зирихўжаев ва бош ҳисобчи И.Исломов 2006 йилнинг октябр-ноябр ойлари учун ҳодимларга 290 млн. 552 минг 600 сўмлик иш ҳақини тўлаш чорасини кўрмаган.

Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан айбдорлар жавобгарликка тортилди, ҳодимларнинг маошини ундириш бўйича судларга даъво аризалар киритилди ва иш ҳақи тўлаб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳукуматнинг иш ҳақини ўз вақтида тўлашга доир қарори ижроси юзасидан қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 80 та тақдирнома киритилди, 74 киши расмий оғохланмирдилди. 31 киши интизомий, 433 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, 17 млн. 800 минг сўмлик зарар қоплатишни таъминланди. Ҳодимларнинг манфаатини кўзлаб судларга 2,9 млрд. сўмлик 481 та даъво аризаси киритилди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 10 та жиноят иши кўзгайтилди.

З.ТУРСУНОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Инсонпарварлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган улўф қадриятлардан биридир. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида инсонпарварлик жуда катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»-ги қарори чиқама инсонпарварлик намунаси.

Вилоятдаги барча жазони ижро этиш колонияларининг ҳодимлари билан учрашувлар ўтказилиб, қарорнинг моҳияти тушунтирилди. Ҳозирги кунда бу каби тадбирлар давом эттирилмоқда.

Қарор ижросига тўхталадиган бўлсак, шу йилнинг 16 январига қадар вилоятдаги колонияларда жазо ўтаётган 1699 нафар амнистия акти қўланди. Ушбу қарорнинг 1-моддаси «б» бандига кўра 3 та, «г» бандига кўра 4 та, 2-моддасига асосан 26 та, 3-моддасига мувофиқ 22

жиноят содир қилмаслиги, тўғри йўлга кириб меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Жумладан, колонияларда маҳкумларни тарбиялаш мақсадида мактаблар ташкил қилиниб, машғулотларга ўқув юртлири, мактаблардан ўқитувчилар жалб этилапти. Шунингдек, колониялардаги кутубхоналар турли китоблар, газета-журналлар билан таъминланган. Тоқарлик, дуррадгорлик, тикувчилик каби бир қатор чехлар ишлаб турбиди. Маҳкумлар касб-ҳунар ўрганиб, меҳнат қилишлари учун шароит

ИШОНЧ ИФОДАСИ

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан прокуратура органлари алоҳида масъулият юкланди. Сенатнинг шу қарори, Ўзбекистон президентининг «Амнистия тўғрисидаги қарор ижросини ўз вақтида ва бир хилда таъминлаш ҳақида»-ги қарори, уни қўллаш тартиби ҳақидаги низом ҳамда Бош прокурорнинг 2006 йил 7 декабрдаги қўрсатмаси жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўйича Навоий прокуратураси тезкор ҳодимлари, вилоят ЖИЭБ бошлиқлари, махсус бўлим бошлиқлари ва масъул ҳодимлари иштирокида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгилан олинди. Қарор ижросини таъминлаш учун махсус гуруҳ тузилди.

та, 4-моддасига кўра 340 нафар маҳкум жазодан озод қилинди. Шунингдек, қарорнинг 7-моддаси «а» банди бўйича 638 та маҳкумнинг жазо муддати учдан бир қисмга, «б» бандига биноан 641 кишининг жазо муддати тўртдан бир қисмга қисқартирилди. 8-модданинг «а» бандига мувофиқ 7 та маҳкумга ҳисобан тартиббузарлиги учун макур қарорни қўллаш рад этилди.

Амнистия тўғрисида озодликка чиққан маҳкумларнинг барчаси уйларига қайтириш учун уларга колонияларда ишлаб топган пуллари тўлиқ берилди. Манзилга етиб боришлари учун колония маъмурияти томонидан масъул ҳодимлар ажратилди.

Вилоятдаги жазони ижро этиш колонияларида маҳкумлар

мавжуд. Амнистия тўғрисидаги қарор баркиренглик ифодаси бўлиш билан бирга, жазодан озод этилганларга билдирилган ишонч намунаси ҳамдир. Бу ишончни оқлаш, жамиятда ўз ўрнини топиш, ота-она, оила, фарзандлар учун яшаш, ватан раванга йўлида меҳнат қилиш чиқама бахтдир. Жазодан озод бўлиб оиласи бағрига қайтганлар буни қалбдан ҳис этишларини жуда хоҳлаймиз.

Б.НОРОВ,
Навоий вилояти қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича прокурори

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор учун ҳуқуқий ёрдам жуда муҳимдир. Поймол этилган ҳуқуқларини тиклашда айнан ҳуқуқ-тартибот органларининг кўмаги эса тадбиркорнинг янада яхши ишлашига туртки бўлади.

Суратда: Ҳиждуювон туман прокурори Баҳодир Назаров (ўртада) ва прокурор ўринбосари Уйғун Қазоқов ҳуқуқий маслаҳат сўраб келган тадбиркорнинг муросолачини тингламоқда.



— **Ҳуқуқий дунёқараш**и шаклланиш киши қонун талабини тўла англаб, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни ҳам билади. Бу ўтган йилги фаолиятимизни таҳлил қилганда аққол кўзга ташланди.

Судларда давлат, жамоат, ҳусусий ва бошқа турдаги мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қўрилган 72.037 та ишнинг 16.994 тасида прокурорлар иштирок этишди. Муҳим

лар асосида вилоят фуқаролик суди раёсатида қонунга мувофиқлаштирилди.

— **Корхона, муассаса ва ташкилотларга етказилган зарарларни қонун доирасида айбдорлардан ундириш масаласи қандай ҳал этилапти?**

— 2006 йили вилоят прокуратураси органлари томонидан судларга 2 млрд. 730 млн. 395 минг сўмлик 1877 та даъво аризаси киритилган. Қаноатлантирилган 1324 та даъво

дек, жабрланувчини дафн этиш ёки унинг даволанишига кетган харажатларини ундириш чоралари қўрилган. Ўтган йили 892 млн. 619 минг сўмлик 287 та даъво аризаси кўзгайтилиб, судларга юборилган.

— **Таҳлиладан қўришиб турилган, макур йўналишида олиб борилган ишлар қониқарла.**

— Албатта. Ютуқлар айтимган жойда камчиликлардан кўз юмиб ўтиш фаолиятни холис баҳолаш

Ундирувчи ҳалол бўлмасе....

Коммунал хизматлардан қарздорлик ўткир муаммолардан биридир. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг баъзи амалдорлари қарзларни ундириш ўрнига, қарздорларнинг айбини ёпиш эвазига киссаларини қаппайтиришга уринишляпти. Уларнинг ўзлари ҳалол бўлмагач, бошқалардан нимани кўтиш мумкин?

Газ таъминоти Андижон вилоят бошқармасининг ҳодимлари Б.Қодиров ва Р.Эминохонлар Андижон тумани «Оқер» қишлоқ фуқаролар йиғини Учбурчак маҳалласида яшовчи С.Жўрабоев, Д.Матёқубов, Ж.Назаров, И.Солиев, И.Абдуллаев, У.Камолов, А.Каримов ва К.Тўраҳужавлар газдан қонунга хилоф фойдаланётганини аниқлаб, далолатномалар тузишди. Эртаси кун ишларни «Андижоншаҳаргаз» филиалига топширишди. Идоранинг директори Шўҳрат Жамолиддинов далолатномаларни рўйхатдан ўтказдирмай, ҳуқуқшунос Сирожиддин Ҳамдамовга берди. «Чиқимлар кўпайиб кетди, гапга қўндаганларини йўлга солиб қўринг», — деди.

Ҳуқуқшунос ўзабошимчилик билан газ тармоғига улашиб, уйларидан бўз матони бўйиб шилан шуғулланаётган қондонларнинг эгаларига қақирув қоғозларини жўнатди.

Сардор Жўрабоев шаҳардаги «Жаҳон бозори»да чит савдоси билан шуғулланарди. Пиёзпоя маҳалласи Шамс кўчасидаги янги ҳовлисида қозон ўрнатиб, 15 миллиметрик газ қувури ўтказиб бўзни бўйиб сотаётган эди. Қақирув қоғозини олиб ўзи каби газдан ноқонуний фойдаланаётган Абдумўмин ака билан Сирожиддин Ҳамдамовга учради.

— Беш ўз тўқсон уч минг сўмдан тўлайсизлар, — деди у.

— Бунча пулим йўқ.

— Хўп, агар икки юз мингдан берсаларингиз, ишларингизни судга оширмайман.

— Квантиция ёзиб берасизми? — сўради Абдумўмин ака.

— Йўқ, ёзимайми.

— Бўлмасе, тўламайман.

Иккинчи гал қақиртирганида Сардор яна бунча пул топламадими дедим.

— Майли, эртага юз минг олим келасиз.

Сардор нима қиларини билмай охири вилоят прокурорига ариза билан мурожаат қилди.

Эртасига Сирожиддинга учради.

— Айтганингизни оқелдим.

— Газ идорасига бориб Шўҳрат акага беринг, — деди Сирожиддин. — Ишингизни ўзи тўғрилайди.

Сардордан кейин газ идораси директорининг хонасига холислар билан бирга вилоят прокуратураси ҳодимлари кириб боришди.

— Ҳозир Сардор Жўраевдан олган порани ўз иктиёрингиз билан топширинг!

— Ҳеч кимдан пора олганим йўқ. Сардор деган одамни танимайман, кўрганам йўқ. Сейфдаги пуллар ўзимники.

Холислар иштирокида хона қўздан кечирилганда сейфдан икки боғлам минг сўмлик, яна уч боғлам минг сўмлик, беш юз сўм, икки юз сўмлик пуллар чиқди. Минг сўмлик боғламдаги пулга кўзга кўринмас «пора» ёзуви битилган эди. Шундан сўнг Шўҳрат Жамолиддинов айби иқдор бўлиб кўрсатма берди.

Газ идорасида ўтказилган текширишда у 13,8 млрд. сўмдан зиёд, жумладан салкам 12,4 млрд. сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзини ундириш чорасини кўрмай келгани, 2006 йилнинг биринчи ярмида олдиндан 15 фоизлик тўловсиз 13,9 млн. сўмлик газни миқозларга бериб юборгани аниқланди. Директорнинг айби билан идора ҳодимларига олти ой мобайнида 115,6 млн. сўм иш ҳақи тўлиниши ортага суриб келинган. Қарзларни ундириш, иш ҳақини вақтида тўлаш чорасини кўриш ўрнига директор қарздорлардан пора олиб, айбини яширмоқчи бўлган.

Идора бош ҳисобчиси Д.Қосимова дебиторлик қарзларини ундириш, иш ҳақини вақтида тўлаш борасидаги вазифасини адо этмаган.

Идора юристи С.Ҳамдамов эса директор миқозлардан пора олишида воситачилик қилиб, жиноятга қўл урган. Суд Ш.Жамолиддиновни 8 йилга озодликдан маҳкум қилди. Д.Қосимовага 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. С.Ҳамдамов Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарорига асосан жазодан озод этилди.

К.ЗУЛФИКОВ,
Андижон вилоят прокуратураси катта терговчиси

Қонун сизни ҳимоя қилади

Бухоро вилоят прокуратураси судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи Мубина ҒАНИЕВА билан сўхбат

аҳамият касб этадиган 2007 та фуқаролик иш ишларда қўрилганда туман, шаҳар прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари катнашдилар.

Прокурор иштирокида қўрилган барча фуқаролик ишлари юзасидан суд қарорларининг қонунийлиги апелляция муддатида ўрганилгани боис 41 та қарордан 40 тасига прокест киритилди. Кассация босқичида бекор қилинган ва ўзгартirilган 56 та суд қарорининг 85 фоизидида прокурорларнинг протести хал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Вилоят прокурори томонидан 10 та, Олий суд ва вилоят суди раис томонидан 7 та қонуний кучга кирган суд қарори назорат тартибидидаги протест-

бўйича 1 млрд. 590 млн. 582 минг сўм жавобгарлардан ундирилган.

— **Етказилган зарарларни айбдорлардан регресс тартибидида ундириш ҳақида тўхталсангиз.**

— 44 млн. 594 минг 400 сўмлик 298 та даъво регресс тартибидида кўзга аштилган. Бутоифадаги даъволар бўйича 29 млн. 455 минг сўм ундирилиб, 56 та даъво бўйича 4 млн. 427 минг 600 сўмни айбдорлар ижтимоий равишда тўлашган.

ЖПКнинг 275 — 288-моддалари талабига кўра бевосита жиноят тўғрисидаги ақли нора-со шахсининг ижтимоий хавфли қилиниши оқибатида фуқаро ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиёни қоплаш, шунинг-

га тўсиқ бўлиши мумкин.

Қонунчиликнинг воёга етмаганларнинг манфаатини кўзловчи, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир, иш жойидаги жараҳатлардан қўрилган зарарларни ундириш айрим ҳолларда эътибордан четда қолмоқда.

Фаолиятимиздаги айрим нуқсонларни ҳам эътироф этиш лозим. Бинобарин, ноқонуний суд қарорлари тарафларнинг шикоятлари асосида апелляция, кассация ва назорат босқичларидида бекор бўлган. Бу ҳолат прокурорлардан судларга қўрилиётган ишларга алоҳида масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Сўхбатдош:
Моҳира ШАКАРОВА

Qayerdan:

Xatlar va jamoatchilik aloqalar bilan sahifasi

Qayerga: Toshkent shahri, akademiik Axb Furovov k'rtasi, 66.
«Hiquq» gazetasi matbu-
biyati, 700047

«Hiquq»ga javob keladi

Аризачининг стажи кам

Қашқадарё вилояти Қамашӣ шаҳар Самарқанд маҳалласи Алишер Навоий кўчаси 142-уйда яшовчи Тошпўлатов Алишернинг ички ишлар идораларидаги хизмати учун нафақага тайинлашни сўраб йўллаган шикоят, белгиланган тартибда вилоят ИИБ масъул ходимлари томонидан атрофича ўрганиб чиқилди.

«Харбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти ҳақида»ги қонун ҳамда ИИВнинг буйруғи талабларига мувофиқ ходимларнинг ички ишлар идораларидаги фаолияти кўшил-

ган имтиёзлари билан биргаликда 20 йилни ташкил этса, уларга пенсия тайинлашни мумкинлигини эътиборга олиб, ариза муаллифининг (ички ишлар идораларидаги умумий фаолияти имтиёзли равишда 13 йил-у 2 ой 23 кунни ташкил этади) талабини бажаришнинг имкони бўлмаганини маълум қиламиз.

Х. ШЕРДОНОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ ШТБХ бошлигининг
биринчи ўринбосари

«Ким ёзди, мен билмадим...»

«...2006 йили «Яккатут-Жасурбек» деҳқон-фермер хўжалигини ташкил қилиб, 55,6 гектар ерга пахта экдим. Шу ерда собиқ «Дашнобод» ширкат хўжалигининг шийони жойлашган. Ўз даламизда шийон бўла туриб, ундан фойдалана олмаганимиз...», — деб ёзди сариосиёлик Ж.Шукуров.

«Сариосиё туман прокуратураси «Дашнобод» ширкат хўжалигини тугатиш комиссиясининг ноқонуний ҳаракатлари тўғрисида фуқаро Ж.Шукуров «Hiquq»

таҳририятига ёзган аризани кўриб чиқди, — деб жавоб беради Сурхондарё вилоят прокуратури вазифасини бажарувчи Б.Эргашев. — Ариза юзасидан Ж.Шукуров Сариосиё туман прокуратурасига таклиф қилинганида у мазкур аризани ёзмаганини, унинг номидан ким ёзгани ва имзолаганини билмаслигини айтган. Қолаверса, ҳақиқатан ҳам илгари «Дашнобод» ширкатини тугатиш комиссиясининг ноқонуний ҳаракатлари тўғрисида ту-

ман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилгани ва ўз вақтида жавоб олиб, ундан қаноатланигани айтган. Шунингдек, бу ҳақда бошқа бирорта идорага ариза ёзмаганлигини билдирган.

Шу сабабли Ж.Шукуров номидан ёзилган ариза «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан аноним деб топилиб, текширилмай қолдирилди.»

Январ ойида таҳририят 40 та хат олди.


Ариза текширилди, чора кўрилди

Пискент тумани «Янги турмуш» маҳалласида яшовчи фуқаро А.Ўринбековнинг таҳририятга ёзган аризаси туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Аникландики, А.Ўринбековга тумандаги «Сувоқава» корхонасидан 2005 — 2006 йиллари тўланмаган иш ҳақи 825.366 сўмини ташкил этган. Туман прокуратураси А.Ўринбековнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда туман суд идораларига мазкур иш ҳақини ундириш ҳақида даъво аризаси киритди.

Меҳнат қонуларининг бузилишига йўл қўйган корхона раҳбари ва бош ҳисобчи нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзгатилиб, меҳнат бўлимига юборилди.

Ш.КҮЧКОРОВ,
Пискент туман прокурори



Кимга мукофот ёзсам экан-а...?

Куллардан бир кун...

«МУШУК ЕБ КЕТДИМИКАН-А?»

Газета саҳифаларида бериб борилаётган турли суд очерклари ва ҳикоялари ўқир эканман, беихтиёр болалик хотираларим ёдга тушди.

Олти-етти ёшлик пайтларим. Ҳозир ўйлаб кўрсам ёзининг жазирамаси экан. Бундай пайтда тирик жон борки, иссиқдан сақланиш учун ўзини пангага олади. Шундай кулларнинг бирида мен негадир бошқаларга ўхшаб салқин хонага эмас, оғилхона олдидagi гўзалоя уюми томон йўл олдим. Атрофда ҳеч ким йўқ. Гарчи қўбшнинг ҳарорати тинкинга қуритса-да, мен бунга парво қилмасдим. Чунки анчадан бери тухум қўймаётган товуғимизнинг изига тушиб, топқирлигим билан ота-онаним «қойил» қолдириш ва мактов эшитишни жуда хоҳлардим. Бир пайт қаққаётган Олапар билан Юлдузча номли товуқларимиз гўзалоя орасида гоийб бўлишди. Бир четда уларнинг чиқушини пойлаб бошладим. Аксига вақт ўтиши жуда қийинлашиб кетгандек эди назаримда. Охири кўларим тиниб, сояга ўтишга мажбур бўлдим. Ниҳоят товуқлардан бири қаққаб чикди-ю у томон югурдим. Шоша-пиша гўзалоя орасидан тухумларни қидира бошладим. «Ха-а! Мана қаерда экан?! Ҳозир бориб онамга айтман. Товуғимиз қўшининг гўзалояси орасига тухум қўяркан!» Аниқ эсимда, ўн битта тухумни этакимга солдим. «Йўқ, ахсисин ўзимизнинг гўза уюми орасига солиб қўяман». Теъдда «хазина»ни ўз жойига қўйдим. Ўзимча жуда катта иш қилгандек эдим. «Мана энди товуқларимиз фақат биз учун тухум қўяди». Уйга кирдим. Ота-онам-у акам билан сингдим салқин хонада мазза қилиб ухлаб ётганимни кўриб, мени ҳам уйку элтдим...

Шом яқинлашди. Бу пайтда ким молига қараган, яна қўшини ҳовлида қўймаланапти... Боғи қилмишим аллақачон эсимдан ҳам чиқиб кетганди. Бир маҳал қўшининг онамга қилаётган ҳарсратини эшитиб, кўриб кетдим. «Опа, товуқларим доим гўзалоя орасига тухум қўярди. Бир-икки кун йиғилсин, кейин оламан деб тегмагандим. Бугун қаққашганини эшитиб борсам, ҳеч нима йўқ. Қизик... мушук еб кетдимикан-а?». Нима қилсам экан? Қўшини айваб бор гапни айтсам, онам мулазм бўлади. Аммо... Ахир мен пойлаган товуқлар ўзимизники бўлгач, нега қўшини бунақа дейди?! Ҳеч нарсага тушунмадим. Тўсатдан кўрқув босди. Агар сир ошкор бўлса, дадамининг кўзига қандай қарайман?! Шу пайт онамининг: «Яхшилаб қарамадингизми, жойини ўзгартиргандир-да! Меники ҳам анчадан бери тухум қўймапти» деган гапларидан хотиржам бўлдим. Бироқ товуқларимизнинг у ерга кирганини ўзим кўрганини аниқ-ку! Нима бўлса бўлди, хатомини тўғрилашим керак. Эртаси кун шоша-пиша «хазина»ни ўрнига олиб бориб қўйдим. Мана, орадан 26 йил вақт ўтибдики, ўғирликлар ҳақида эшитсам ё ўқисам ўша воқеа ёдимга тушади. Хижолат бўламан.

Бугун ўйлаб кўрсам, ўшанда ота-онамининг «товуғимиз нега тухум қўймай қолди?» дея ўзаро қилган сўхбатини эшитиб, болаларча соддалик билан «тўғри иш» қилмоқчи бўлган эканман. Баъзан фарзандларимиз олдда ҳар хил гапларни гапирарамиз-у, улар болага қандай таъсир қилиши ҳақида ўйламаймиз. Кези келса «...катталарнинг гапига қулоқ солмайди, бор уйна» дейишинигина лозим кўрамиз, холос.

Муҳаббат САФАРОВА, Қашқадарё вилояти

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН МАВЗУ

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра мамлакат фуқаролари Ўзбекистон қонунларига мувофиқ ҳуқуқматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюороларнинг кўмағида вазирлик белгилайдиган тартибда ишлаш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу билан бирга юртдошларимиз хусусий меҳнат шартномаси асосида ҳам хоризжда ишлашлари мумкин ва агентликка хорижий давлатларда ишлаш бўйича рухсатнома олиш учун мурожаат қилишлари лозим. Зарурий ҳужжатлар агентликка тақдим қилингандан бошлаб Ўзбекистон фуқароларини чет элга ишлашга жўнатиш бўйича идоралараро комиссиянинг қарорига асосан фуқаронинг хусусий шартномаси халқаро нормалар талабига жавоб берса унга рухсатнома берилди.

Агентлик Корея Республикасининг ваколатли ташкилотлари билан узоқ йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Унинг Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамда Корея қурилиш уюшмаси билан ҳамкорлиги доирасида мамлакатимиздан минглаб фуқаролар Кореяга саноат стажировкаси тизими бўйича ишга юборилмоқда. Ҳозиргача агентлик томонидан Кореяга 15 миңдан ортиқ Ўзбекистон фуқароси касб-хўнара ўрганиш ва ишлаш учун юборилган. Улар шартномага кўра ётқоҳна ва кўнига уч маҳал овқат билан бепул таъминландилар. Шунингдек, фуқароларни тиббий суғурта, ишлаб чиқариш ва ундан ташқаридаги бахтсиз ҳодисалардан ҳамда иш ҳақининг вақтида тўлинишини суғурталаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда агентлик Малайзия, Япония, Россия ва Поляша давлатлари билан музокара олиб бормоқда. Янги Зеландия, Австралия, Исландия ва Италия билан ҳамкорлик қилиш бўйича таклифлар юборилган, улардаги меҳнат бозорига хорижий ишчиларга бўлган талаб, иш бевруччи корхоналардаги шароит, Ўзбекистон фуқароларини бу мамлакатларга юбориш имконияти ва ҳужуқий жиҳатлари ўрганиб чиқилмоқда.

Корея Республикасида 2004 йил 1 августдан эътиборан хорижий ишчи кўчини жалб қилиш бўйича бандликка рухсат бериш (эркин ёллаш) тизими жорий этилган бўлиб, у Кореяда амалда бўлган саноат

стажировкаси тизими ўрнига татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимиз делегациясининг 2006 йил 28 — 30 март кунлари Корея Республикасига расмий ташрифи давомида Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида «Бандликка рухсат бериш (эркин ёллаш) тизими бўйича ишчи кўчини Корея Республикасига юбориш тўғрисида»ги меморандум имзоланган. Уни амалга ошириш мақсадида ўтган йилнинг 10 — 13 октябр кунлари Корея Республикаси Меҳнат вазирлигининг делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди ва эркин ёллаш тизими бўйича Кореяда ишлаш истогини билдирган фуқароларимиз учун корейс тилидан тест синаовларини ўтказишнинг талаблари ҳамда шартлари муҳокама этилди. Корейс тилидан тест синаовларини яқин вақтларда ўтказиш мўлжалланган.

«Hiquq» газетасида чоп этилган «Ишга ёлловчи» фарибгарлар» номли мақолада келтирилган муаммоларга тўхталагандан бўлса, Россия ва Ўзбекистон ўртасида меҳнат-миграцияси доирасидаги ҳуқуқматлараро битимини имолаш мақсадида унинг лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси шунингдек, бошқа вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Россияга дипломатик қанал-лар орқали юборилган. Аммо бугунга қадар Россия ҳуқуқматидан расмий жавоб келмагач, битим имзоланишига қадар агентлик томонидан хусусий шартномалар асосида фуқароларимизнинг хорижий давлатларда меҳнат қилишини таъминлаш мақсадида тартиб лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигига келишиш учун тақдим қилинган.

Бундан ташқари Ўзбекистон фуқароларининг чет элларда меҳнат қилишини ташкил этиш борасида агентлик олиб бораётган ишлар ва хоризжда фуқароларимизнинг қонуний ишлашлари тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ етказиш мақсадида ўтган йилнинг 9 ноябр кўни республикамиз матбуот ходимлари учун махсус йиғилиш ўтказилди. Унда журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб берилиб, республикамизнинг бир қатор газета ва интернет сайтларида, жумладан «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Ташкент оқшоми», «Правда Востока», «Хордиж» газеталари ва «Gazeta.uz» сайтида мақолалар чоп этилди.

Агентлигининг фаолиятини мамлакатимиз фуқароларига етказишда «Hiquq» газетаси билан ҳамкорлик қилишдан мамнун бўлишимизни билдираемиз.

Ғ.УСМОНОВ,

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бошлиғи

Газетхон илҳами

Ўзбекнинг гурури...

Н.ЖУРАЕВ

Аллар от ўйнатиб келишлари бор
Чамбалининг йўлга муқам кўз тўтсак.
Мозийдан бизгача билмишлари бор
Ажаб замонлардан елкадош ўтсак.

Навобий хазрабга узланган эл бу,
Ўз минг илг юз минг илг сўзланган эл бу.
Асида тиллодай узланган эл бу —
Ўйгалар таширар ўтмишини тўтсак.

Совинчининг бўлмади пайти, маъсуми,
Совинган кўзларнинг бўлмас маъсуми.
Пезроқ, тўшунардиқ Вафтан маъзусин,
Бобурнинг қорғиға етсак, етсак.

Отасин нир билган элга тиле ёр,
Бу элдай боллага болми йилбор?
Ўзбекнинг кўнгли бўли, кўнгли хокисор,
Ўзбекнинг гурури тоғлардан юксак.

2006 йил январида унинг Фаргона туман ҳокимлигига ёзган аризаси текширилиб, Август ойида ширкат ҳўжалиги аъзоларининг йиғилиши чақирилиб, Ҳакимжон ака Машарипов ҳам таклиф қилинди. Аризнинг муаллифи йиғилишда қатнашмади. Туман ҳокимининг ўринбосари Э.Кулликдони иштирокида ариза муҳожама қилинди. Йиғилиш ахли ҳамқишлоқларнинг ноқонуний ишларини текшириб, чора кўришни сўраган аризачининг ўзи ҳалолу покдомон эмаслигига доир далилларни ўртага ташлашди. Ушбу далилларнинг айримлари туман прокуратураси текширишида тасдиқланган, Ҳакимжон ака Машарипов салкам етмиш ёшга тўлгани инobatга олинган ҳолда унга нисбатан жиноят иши кўзгатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бу билан қаноатланмаган 42 нафар фуқаро тахририятимизга ариза билан мурожаат этишди.

Унда баён этилишича, Х.Машарипов кўп йиллардан буён Фаргона туманидаги тугатилаётган «Фаргона» ширкатининг ер тузувчиси вазифини ишлаб келган. Жамоа манфаатларидан ўз манфаатларини устун қўйган. Ҳўжалик мол-мулкдан ноқонуний фойдаланган. 1999 йил 20 феврал кунги шартномага биноан унинг тўрт нафар фарзандига 15 гектарлик боғни ижарага беришган. 2004 йил 23 ноябр кунги ширкат ҳўжалиги бошқаруви аъзоларининг йиғилиши қарорига кўра 5-пудрат худудидаги сув иншоотлари эскириб, сугориш қийинлашиб, кўчатлари қуриётган ушбу боғ тендер танлови асосида ташкил этилажак фермер ҳўжалиги ихтиёрига топширилиши лозим эди. Беш йилдан буён фойдаланиб келишаватган боғ оилалари ихтиёрида қолишига ишончлари комил бўлган Ҳакимжон аканинг ўғиллари Баҳодир, Баҳром, Абдулҳафиз, Раҳмиддин Машариповлар ихтиёрий равишда ижара шартномасини бекор қилишни сўраб ариза беришди. Ҳўжалик бошқарувининг қароридида боғ танлов асосида кимодди савдосига кўйилиши, унда қатнашишни хоҳлаган фуқароларнинг аризалари олиними қайд этилган. Боғ 14 миллион сўмга баҳоланди.

— Мен ширкатда пудратчи бўлиб ишлардим. — деди Акбарали Каримов. — 2005 йил феврал ойида Ҳакимжон ака Машарипов 15 гектар боғга қараб юрганлими билан, шу боғда фермер ҳўжалиги қўлқоччидан деди. Тендер ўтказиларкан, шу тендерда даъвогарлардан биттаси бўлиб қатнашиб берсангиз деб илтимос қилди. Қоғозларга қарамай қўл қўйиб бердим. Лекин ўзим ариза ёзмаганим йўқ. Тендерда ҳам қатнашмадим. Кейин маълум бўлишича, ҳақиқатда ўтказилмаган тендери ҳўжатлаштириб, туман ҳокимлигига топширишди...

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Жумладан, Тошкент шаҳридаги «Тi devyatki farm» МЧЖга қарашли дорихонада ўтказилган текширишда аниқланишича, жамият раҳбари Ш.Абдуазимов дорихонанинг провизор-кассири О.Томашевска билан жиноий тил бириктириб, савдодан тушган пулнинг 14 минг 800 сўмини назорат-касса машинасида ўтказмаган ва 171 минг 700 сўмини эса банкка топширмаган. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўйхатидан ўтмаган 94 минг 200 сўмлик ва кирим ҳўжатлари бўлмаган 4 млн. 500 минг сўмлик дорилар билан савдо қилган. Бу маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилади.

Қиррай туманида ўтказилган тадбирда фуқаро З.Мадаминова З.Қорабоева тегишли 10 У 0876 рақамли «Москва-412» машинасида айланма йўллар орқали Қозғистондан мамлакатимизга ҳеч бир ҳўжатга эга бўлмаган 34 турдаги 6 млн. 800 минг сўмлик дори-дармонини олиб ўтаётганда ушланди. Машина ва дорилар далилий ашё сифатида олинди. З.Мадаминовага нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

Маълумки, дорихоналар дори сақланган махсус хоналарга эга, ундаги сотувчи эса маалаки мутахассис бўлиши лозим. Андижон вилояти Избоскан туманида яшовчи Г.Қурбонова бу қоидани унутган кўрилади. Чунки у уйда ноқонуний дорихона очиб, бемалол савдо қилиб келган. Ушбу дорихона кўздан кечирилганда,



АСОСЛИ ВА АСОСИЗ ДАЪВО

Ширкат ҳўжалиги умумий йиғилишининг 2005 йил 14 феврал кунги қарорига мувофиқ Раҳмиддин Ҳакимжонович Машарипов танловнинг мутлоқ ғолиби деб топилди. Танлов комиссиясининг ҳулосасига кўра, гўё талабгорлардан бири Акбарали Каримов боғни баланс қийматига сотиб олишга қурби етмаслигини айтиб, нархини туширишни сўраганимиш. Фермер ҳўжалиги ташкил этишга оид ҳўкумат қарорлари ва қонунлар ҳусусида тушунчага эга бўлмагани туфайли имконияти паст баҳоланганимиш. Боғни сотиб олишга қурби етишини билдирган Раҳмиддин Машарипов эса барча қарор ва қонунларни беш қўлда билармиш. Шу туфайли боғ унга берилибди.

— Тендерда, кимоддисиди умуман қатнашганим йўқ, — тақорралайди «имкониятлари пастроқ баҳоланган» Акбарали Каримов.

Ширкат ҳўжалиги тендер комиссиясининг файрқонуний ҳулосасидан беҳабар туман ҳокимлиги боғ-

ни Р.Машариповга бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу шу чоққача индамай орган ширкатнинг бошқа аъзолари сабр-қосасини тўлдириб, туман ҳокимлиги, прокуратурасига ариза билан мурожаат қилишди. Аризада Ҳ.Машариповнинг тўрт нафар фарзандлари салкам 17 гектар боғни ижарага олиб, 15 гектари учун ҳақ тўлаб, қолган ердан ўз биланларича фойдаланишаватгани баён этилган. Мутахассислар иштирокида боғ майдони қайта ўлчанганида 15,24 гектардан иб-

тих бўлиб чиқди, 16 сотихни ўзбошимчилик билан қўшиб олгани аниқланди.

Шунингдек, Машариповлар 15,24 гектарлик боғ ёнидаги ерни томорқа қилиб олганлари кўрсатилган. Ҳ.Машарипов бунинкор этмайди, қонуний олганларини таъкидлайди. Савол туғилади, қишлоқдан бир неча километр узоқда, дала-боғ ёнидаги шийпон ўрнини томорқага ажратиб қонунга зид эмасми?

Аризада келтирилган ҳолатларни изоҳлаб, Ҳ.Машарипов: «Мен оддий

лар аниқланди. Ҳ.Машарипов Оқтепа қишлоғидаги бир пайтлар канализация ўтказиш учун ётқизилган, бироқ ишлатилмай қолиб кетган катта диаметри бетон трубалардан тўрттагина олган, ҳўжалик касасига пулини тўламаган. 2003 йил 50 метр плёнкани ҳўжалик омборидан олиб кетиб, ўз лимонарийи учун ишлатган. 2004 йили автосарой мудири М.Ражабовдан ҳўжаликнинг «ГАЗ-51» русумли автомашинаси двигателини олиб кетган. Шу йил октябр ойида бўлим бош-

ратлиги аниқланди. Ака-ука Машариповлардан ортиқча ер майдонидан фойдаланиб келганлари учун ихтиёрий равишда 245 минг сўм ундирилди. Аризада Ҳ.Машарипов ер тузувчи лавозимидан фойдаланиб, ўғилларига ортиқча томорқа бергани, муҳождларнинг аризаларини ҳал қилмай келгани кўрсатилган. Маълум бўлишича, унинг ўғли Р.Машариповга 1988 йили 8 сотих томорқа берилган. Томорқаси ўлчаб кўрилганида 21 сотих бўлиб чиқди. Унинг изоҳ беришича, ҳовлиси ёнидаги ташландиқ 13 сотих ерни ўзи қўшиб олган. Собиқ ер тузувчининг яна бир ўғли Б.Машарипов ўзига ажратиб берилган 16 сотих томорқага ўзбошимчилик билан 4 сотих ерни қўшиб олган. Шунингдек, аризада Ҳ.Машариповнинг қуёви Е.Қодировга ноқонуний 40 сотих томорқа берилгани кўрсатилган. Собиқ «Фаргона» совхоз маъмурияти буйруғи билан унга 16 сотих томорқа ажратилган. Томорқаси ўлчаб кўрилганида 32 со-

ер тузувчи бўлганман. Томорқага ерни ширкат ҳўжалиги бошқаруви ажратган, — деди. — Фермер ҳўжалиги тузиш пайти боғнинг тендери — кимоддисиди қонуний ўтказилган».

Бироқ унинг ўғиллари, қариндошлари ортиқча томорқа ерларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олишгани тасдиқланди. Туман ҳокимлиги «Фаргона» ширкат ҳўжалиги тендер комиссиясининг қалбаки қарорига мувофиқ 15,24 гектар боғни Ҳ.Машариповнинг ўғли Р.Машариповга узоқ муддатга ижарага бериш тўғрисида 2005 йили қабул қилган қарорини бекор қилди. Ширкат ҳўжалигини тутатиш комиссияси боғни 1,5-2 гектардан бўлақларда фуқароларга кимодди савдосида сотадиган бўлди.

Тахририятга мурожаат этишдан аввал унинг ҳамқишлоқлари вилоят ҳокимлигига ариза ёзмаган. Ҳокимлик топшириғига мувофиқ вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси ходимлари аризини ўрганишганида яна бир қатор ҳолат-

лиги Х.Нишоновдан вақтинча фойдалангани трактор прицеппини сўраб олган. Лекин қайтариб бермаган.

— Ўғлимга ортиқча томорқани мен ўлчаб берганим йўқ, ўзи қўшиб олган. Канализация трубаларини қавлатиб, машинага юклаб, омборга келтиришга сарфлаган пулларим эвазига беришган, — дейди Ҳ.Машарипов. — Лимонарийга олган плёнкаларим эски эди. Ўрнига қўйиб қўйганман. Ширкатнинг «ГАЗ-51» машинаси двигателини мен эмас, ўғлим учинчи шахсдан 200 минг сўмга олган. Турибди, пулини тўлаб қайтариб олишини. Прицепга келса, ишга яроқсиз эди, ҳеч кимга кераги йўқ, ётибди.

Асосли давлолар адолатни қарор топтиришга кўмаклашади. Асосиз, узунқулқ гаплар аксинча, асабий муҳитни туғдириб, ишга ҳалақат беради. Асабий муҳитни соғломлаштириш маҳаллий ҳокимият идораларининг вазифасидир.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq» мухбири

унда ҳеч бир ҳўжжати бўлмаган 56 минг 100 сўмлик дори ва тиббий буюмлар сақланаётгани маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан Г.Қурбоновага нисбатан маъмурий иш кўзгатилади.

Бутунги кунда яроқсиз дорини ичиб, унинг асоратидан азоб чекаётган кишилар қўпайиб қол-

СОҒЛИМНИНГ ИЗ ҚЎЛИНГИЗДА

ди. Бунга биринчи навбатда қонун-қондан менсимаетган тадбиркорлар, иккинчидан, рўхсат этилмаган жойларда, ҳусусан бозорларда сотилаётган ҳўжатсиз дориларни харид қилаётган истеъмолчиларнинг ўзи ҳам сабабчи бўлмоқда.

Қўқонда ўтказилган тадбирда қалбаки дори ишлаб чиқарувчи «тадбиркор» фош этилди. Фуқаро Р.Эрматов ва унинг турмуш ўртоғи Л.Эрматовалар уларининг 15 S 7918 рақамли «ВАЗ-21063» машинасида 275 минг сўмлик 500 дона «Цефазолин-1,0» дорисини шахардаги Алишер Навоий мавзесига жойлашган қора бозорга олиб кетаётганлиги аниқланди. Текширишда

Л.Эрматова бу дорини Қўқон шаҳар Элакбоф кўчаси 1-уйда яшовчи қариндошининг уйида тайёрлаб, сотиш билан шуғулланиб келаётганлиги маълум бўлди.

Мазкур хонадон кўздан кечирилганда, у ерда 800 та «Тимоген», 510 та «Хумизол», 1935 та «Цефазолин», 15 та «Трентал», 295 та «Спленин» ампулалари, 2045 та ёзуви ўчирилган рангсиз суюқлик қуйилган ампулалар, 28 та «Солкосерил», 6 та «Кавитон», 6 та «Хумизол», 296 та «Цефазолин» дориларининг қўлланмаси ёзилган қоғозлар, турли этикеткалар, картон қутилар, 1 та трафарет қолип, 20 та металл муҳр ва қалбаки дори ишлаб чиқаришда фойдала-

нилан бошқа хомашёлар борлиги маълум бўлди. Бу дорилар 1 млн. 300 минг сўмга баҳоланиб, «Хумизол», «Спленин» ва «Тимоген» ампулалари Ўзбекистон давлат рестрида йўқлиги аниқланган.

Юқоридагиларга кўра жиноят иши кўзгатилиб, сул Л.Эрматовга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА,
Азамат ЭРҒАШЕВ,
Республика Бош прокуратураси
хузуридаги
СВОЖДЛКК департаментининг масъул
ходимлари

Харталик теледастурлар

Душанба TV

2007-yil 1-fevral, № 05 (526)

Моҳият

Ҳамма одамлар
аслида бир хил, ду-
нега келишлари ҳам
бир хил, фақат
табиатан ҳалол
одамнинггина
номи юқсак.

СЕНЕКА

5-fevral, Dushanba

07.00, 18.00 «Премьера» (узб.)
07.25, 8.40, 14.00, 16.30,
18.25, 21.00 Узбек навалари
08.00, 19.00 «Премьера» (рус.)
08.25 «Сайилгоҳ»
09.10 Док.фильм «Ялла»
10.00 «Сунмас орузлар»
10.45, 13.00, 15.45, 17.30,
20.25 Мировые хиты
11.00 Кино-SMS. Фильм-побе-
дитель прошлой недели.
15.00 Теленяня
19.25 Серил
22.00 Комедия «ОСЕННИЙ МА-
РАФОН»
00.00 Миксер

6-fevral, Seshanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ
NEWS (узб.)
07.10, 8.30, 10.25, 18.10,
20.25, 21.30 Узбек навалари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ
NEWS (рус.)
08.10, 13.00, 13.40, 14.40,

15.45, 16.20, 17.45, 18.40 Ми-
ровые хиты
09.00 Серил
10.00 «Премьера» (узб.)
11.00 Комедия «Осенний мара-
фон»
15.00 Теленяня
16.00 «Спецрепортаж»
17.00 «Топ-20»
19.10 Серил
20.10 «Сайилгоҳ»
21.00 «Великопелная семёрка»
22.00 Худ.фильм «КОНСТАНТИН»
00.15 Миксер

7-fevral, Chorshanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ
NEWS (узб.)
07.10, 10.00, 14.10, 16.15,
18.10, 20.10 Узбек навалари
07.35 «Премьера» (рус.)
08.00, 14.30, 19.00 Марказ
NEWS (рус.)
08.10 Микст-концерт
09.00 Серил
10.45, 13.15, 14.40, 15.45,
17.45, 21.30 Мировые хиты

5-fevral, Dushanba

12.00, 14.05 «Клип-
минутка»
12.20, 16.30 «Ералаш»
12.40 «Шрек»
14.25 «Хардбол»
16.10 «Клип-минутка»
16.50, 19.30 «Музыкальная
дорожка»
17.30 «Человек-паук»
20.10 «Битлджус»
21.40 «Музыкальная
дорожка»
22.20 «Мумия»

6-fevral, Seshanba

12.00, 13.55, 15.45 «Клип-
минутка»
12.20, 16.05 «Ералаш»
12.40 «Возвращение кота»
14.15 «Арабские приключе-
ния», 1-я серия
16.25, 18.45, 20.45 «Музы-
кальная дорожка»
17.05 «Снежные псы»
19.25 «Неистребимый
шпион»
21.25 «Парк юрского перио-
да-3»
22.50 «Защита от дурака»

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

11.00 Худ.фильм «Константин»
13.40 «Юлдузли пайшанба»
15.00 Теленяня
16.00 «Сайилгоҳ»
19.10 Серил
21.00 «Миссия неповторима»
22.00 Киноколлекция «ЗАВТРАК
У ТИФАНИ»
00.10 Миксер

8-fevral, Payshanba

07.00, 13.30, 18.00 Марказ
NEWS (узб.)
07.10, 8.25, 10.30, 13.40,
16.20, 18.10, 21.30 Узбек наво-
лари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ
NEWS (рус.)
08.10 «Сайилгоҳ»
09.00 Серил
10.00, 13.10, 14.40, 15.45,
17.30 Мировые хиты
11.00 Киноколлекция «Завтрак у
Тиффани»

9-fevral, Juma

07.00, 13.30, 18.00 Марказ
NEWS (узб.)
07.10, 10.00, 13.00, 13.40,
14.40, 16.15, 21.35 Узбек наво-
лари
08.00, 14.30, 19.00 Марказ
NEWS (рус.)
08.10 «Топ-20»
09.00 Серил
11.00 Кино. «Миллий хавфсиз-
лик»
12.40, 15.45, 17.30, 18.10 Ми-
ровые хиты

10-fevral, Shanba

07.00, 18.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10, 9.00, 10.15, 14.25, 17.00
Узбек навалари
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус.)
— Шу ўтган уч кун бамисоли уч йилдек узок туюлди, устоз. Сизни шунчалар соғиндимки... Айтмоқчи, — йигит раҳбарни бағридан қўйиб юборди-да, бояги сумкалар томон ошқиди.

— Мана, устоз. Онам атайин нон ёпиб, сизга бериб юборди. Анча дуо ҳам қилди.

Йигит сумкасидан қизариб пиланган ширмоқли нонларни олиб, устозининг қўлига тутқазди. Шундан кейингина менга ўгирилиб, «Қалайсиз, кадрдон?» дея қўл узатди-да, яна устозининг юзига меҳр билан боқиб, ҳол-аҳвол сўрашга тушди. Камина бир четда устоз билан шогирдининг ўзаро муносабатига ҳавас қилганча қараб қолдим...

Орадан тахминан икки йилга яқин вақт ўтиб, иш билан яна ўша идорага кириб ўтдим. Бу сафар мени ўзим билган раҳбар эмас,

балки неча асрлар олдин мангунликка ўч тутган буюк зотларни назарда тутаялман. Зеро, уларнинг бизга қолдириб кетган бай тарихий мерослари орқали ҳам дунёвий, ҳам диний илмлардан баҳраманд бўлиш билан бирга, шундай буюк шахсларнинг авлодлари эканлигимиздан фахрланиб, уларга доимо ҳамду сано айтмазим.

Бир йигитни биламан. Муомалага жуда ҳам уста, «амакижон, акажон» дея хурматингизни жойига қўйиб, ичингизга кириб кетгудек бўлади. Қўли доимо кўксидея. Хуллас, ҳаммаси рисоладагидек. Унинг марҳум отасини ҳам яхши танирдим. Нафақат моҳир саз устаси, балки, ўта камтарин, хушмуомала, каттаю кичикка бирдек муносабатда бўладиган, бир неча ўн йиллар халқнинг хизматига юрган муомаласини барча хурмат қилар, ундан ўрнак олишга интилар эди. Тан олиш керак, ота қариб, куч-

ди. Ўша пайтларда ўқитувчилар биринчи сентябр кунини мактабга чиққан биринчи синф ўқувчиларига Лениннинг суратини кўрсатиб, «Кўриб қўйинглар. Бу киши бобомиз бўлади» дея таништирдилар. Бугун эса уларга соҳибқирон Амир Темурнинг сурати кўрсатилаётган экан. Ҳозир дуч келган ёш боладан сўрасангиз, иккиланмай «Амир Темур бобом-ку» деб жавоб беради. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, шу ҳолатнинг ўзи ҳам буюк аждодларимизга бўлган хурматнинг ёрқин ифодасидир. Дарҳақиқат, сўнги йилларда, айниқса истиқлолга эришганимиздан кейин бу борада таҳсинга сазовор

Бўладиган эл бир-бирини ботирим деганидек, келажакда халқимизнинг фахрига айлиши мумкин бўладиган иқтидорли ёшларни ҳар томонлама эъзозлаб, тўғри йўл-у зарур йўл-йўриқни кўрсатиш бизнинг биринчи галдаги бурчимиз эканлиги сир эмас.

Ўрни келганда яна бир гап. Қизикчи Ҳожибой Тожибоевнинг бир чиқишида шундай ўхшатиш бор: саркарда Наполеоннинг болалигида энагалари тонг отар-отмас «Туриг, жаноб. Сизни буюк ишлар кутмоқда!» дея уйғотишар экан. Бизда-чи? Ота ухлаб ётган ўғлининг тепасига келиб, «Молга ўхшаб ётаверсанми? Қўёш аллақачон чи-



Қадрлаган қадр тоғлар

йўқотиш керак дея дўк уради. Қисқаси, худди ҳимояланиш лозим пайтда тусини ўзгартирадиган буқаламундек йўл тутайди.

Бу ҳикоянинг ёзилганига эса 100 йилдан ошди.

Дарҳақиқат, ёзувчилар ўз асарларида акс этмиш воқеликнинг асосини ҳаётдан олишади. Аммо айримларнинг фикрича, адиблар асосан бадиий тўқмадан фойдаланадилар. Тўғри, ёзувчилик захмати н бошдан кечирмаган одам турмушда умрайдиган ҳолатлардан қалб торини кўзгатадигани учраб, қозоғга кўнчагина китобхонлар ёдида қоладиган асар яратилишини қаердан ҳам билсин.

Қолаверса, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, «Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқмага ўтиш анчайин мураккаб жараён» ҳисобланишини ҳам қалам аҳли яхши билади.

Мақола бехиз Алишер Навоийнинг устозига бўлган муҳаббати акс этган ривоят-у Чеховнинг «Хамелеон» ҳикояси билан бошланади. Гарчи юқоридея айтилганидек, уларнинг ёзилганидан буён анча йиллар ўтган бўлса-да, бугунги кунда бизнинг ораимизда ҳам буюк шоирдек наинки устоз ўғлининг, балки унинг устозининг ҳам хурматини жойига қўя олмайдиган ёки Чеховнинг буқаламунига ўхшаш одамлар ҳам борлиги, афсуски, айни ҳақиқат экан.

«Huquq» газетасининг жорий йилдаги 2-сонидея чоп этилган Гулчехра Жўраеванинг «Ким кейин, ким илгари» номли мақоласини ўқиб, бундан ун-тўрт йил олдин ўзим гувоҳ бўлган воқеа ёдимга тушди.

Хизмат юзасидан бир идорага йўлим тушиб қолди. Ичкарига кириб, аввалдан яхши таниш бўлган раҳбар билан эндигина салом-алик қилиб турган эдик, эшик очилиб, бақалок бир йигит кўринди. У рух-

унинг шогирди кўтиб олди. Дунёнинг ишларини қарангки, шогирд устозининг ўрнини эгаллабди. «Яхши иш бўлибди-да» дедим ўзимга ўзим янги раҳбар билан салом-алик қилар эканман.

— Келинг, кадрдон. Қайси шамоллар учирди?

Мақсадимни айтиб, энди устозим ҳақида сўрамоқчи эдим, эшик очилиб собиқ раҳбар — устоз кўринди. У киши одатига кўра эшикни қандай мулойимлик билан очган бўлса, секингина ичкарига киргач, яна шундай ёлди.

— Кечирасизлар-...

Устоз шундай деб эндигина оғиз очган эди...

— Ие, бу қанақаси? Кап-катта одам, ҳе йўқ-бе йўқ кириб келаверадим? Эшикни тақиллатиш, рухсат сўраш қаёқда қолди, а? Сизда ўзи этика деган нарса борми?

Ўн қўлини пахса қилганча ўшқираётган бу кимсани кўриб лол қолдим. Кўз ўнгимда ўтган сафар кўрганим, ширинсўз, устозини ялаб-юлқанган шогирд эмас, берафосат, калондимоғ раҳбар турарди.

Устоз турган жойида қотиб қолди. Унинг довдираб қолгани жовдираётган кўзларидан кўриниб турарди. Боққини нима дейишини билмай, бир шогирдига, бир менга қараганча бироз каловлини турди-да, секингина «кечирасизлар» деб, қандай келган бўлса шундай чиқиб кетди...

«Устоз отангдек улуғ» дейди аҳли-қиммиз. Дарҳақиқат, ота фарзанднинг дунёга келиши-ю, балоғатга етишига сабабчи бўлса, устоз унинг қимликлари юз туйиб, соҳасининг моҳир устаси бўлишига муносиб ҳисса қўшади. Шундай экан, отани қандай эъзозлаб, қадрласак, устозга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз шарт. Бу борада нафақат бугун ҳаёт бўлган,

дан қолганда ўғил фарзандлик бурчини тўқис адо этди. Аммо, отасининг қатор шогирдлари сафидан ўрин олишга ҳақсала қилмади. Соҳабалиқнинг ўзига хос нозик сирларидан ўғил эмас, бошқалар баҳраманд бўлишди. Ўғли хунарини эгалламаганидан афсус чека-чека ота ҳам дунёдан кўз юмди. Отанинг касбига қунт қилмаган ўғил бўлса бирор жойда саньаторларни кўриб қолса, «Мен устазодамман, Фалончининг ўғлиман» дея ўзини таништиргани ошмакарди. Ўтган йили қизик воқеа рўй берибди. Ўша йигитни биладиган танишларимдан бирининг ҳикоя қилишича, ўғил яна одатиче иш туттибди. Шунда бундай ҳолат меъдасига теккан созандалардан ёши улгурроқ чидай олмабди.

— Менга қара, сени таниймиз. Раҳматли отангнинг ҳам яхши билардик. Хў-ўп ажойиб инсон эди. Жойи жаннатда бўлсин. Энди менга жавоб бер-чи, қачонгача отангнинг номини сотиб, орқасидан мақтаниб юрмоқчисан-а? Шунинг ўрнига унинг хунарини давом эттириб, эл-ўртнинг дуосини олсанг бўлмайми? Сендан илтимосим, бу ишингни йиғиштир. Отангнинг ҳам руҳини безовта қилма...

Эшитишимга қараганда ҳозир ўша йигит отасининг хунарини эгаллашга қунт билан киришганмиш...

Кези келганда яқин тарихимизга юзлансак. Собик иттифоқ даврида чет элга чиққан юртдошларимиз у ердигаларга ўзбекистонликмиз дейишса, хорижликлар бундай давлатни билмасликларини, агар Амир Темур, Навоий, Беруний, Термизий, Бухорий ёки ибн Синонинг юртидан эканликларини айтишса, муносабатлари дарҳол ўзгарганлигини ҳикоя қилиб берадилар. Бугун бўлса аҳвол ўзгарди.

Нафақат кекса, балки ўрта авлод вакиллари ҳам яхши билиша-

ишлар қилинди.

Ўзоққа бормаёлик, имом Бухорий ҳамда ат-Термизий мақбараларининг қад ростлаши бунга мисол бўла олмайдими? Ёки Шаҳриабзадаги Оксаройни таъмирлаш борасида қилинаётган ишлар-чи? Ибн Сино таваллуд топган Афшо-на қишлоғида сўнги ўн йилларда бўлмаган одам бугун у ерни таний олмаслиги ҳам айни ҳақиқат. Шу ўринда бундан беш йил олдин пойтахтнинг Юнусобод туманида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасини-ю газетамизнинг ўтган йилги 30 август сонидея чоп этилган «Хотира — беназир саодат» номли мақоладаги «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси Наим Каримовнинг «Юрт озодлиги йўлида очилмай сўлган сиймолар руҳини шод этиб, армон-у ҳавасларини рўёбга чиқариш, уларнинг номларини авлодлар хотирасига муҳрлаш жуда катта саодатдир» деган гапини келтириш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Қадрлаганнинг қадр топиши бор гап. Ўзини, ўзлигини таниган миллат бу оддий ҳақиқатнинг нечоғлик муқаддаслигини яхши билади. Унга амал қилишга ҳар томонлама интилади.

Аммо ҳайрон қоладиган ҳижрати шуки, айнан шу оддий ҳақиқатга амал қилиш айрим ҳолларда фақат бир томонлама бўлаётганга ўхшайди. Нима демократиянинг қўридаги мисоллардан ҳам аён бўлиб тургандир. Яъни, устозларни нафақат ҳукумат, балки сиз-у биз — барчамиз эъзозлашимиз керак эмасми? Биз-ку дунё таниган аждодларимиз билан фахрланиб юрбимиз. Лекин ўзимиз ҳам ўша аждодларимизга муносиб ишлар қилаёلمизми? Хўп, улар-ку оламшумул ишлар қилишибди. Биз-чи? Биз билан ким фахрланади?

қиб кетди-ку! Бу ишларни ким қилади, ҳўкиз!» деганча удагайлайди...

Муҳтарам газетхон! Аввало, сал кўлопроқ бўлган бу ўхшатишни келтирганим учун узор сўрайман. Бирок яхши ниятга ҳам, ёмонига ҳам фаришта омин дейди деб бекорга айтилмаган. Қолаверса, «ижобати сония» дея айтилган ибора ҳам борки, айтишларича, 24 соат ичидея оғиздан чиққан ҳар қандай гап ёки ният бўлсин, шу сонияга тўғри келса ижобат бўлар экан. Яъни, одамнинг нияти ўзига йўлдош бўлади.

Шундай бўлгач, биринчи галда ниятимиз тўғри, хайрли бўлишига аҳамият беришимиз, ундан кейин эса фарзандларимизни болалиги-данок лозим даражада тарбиялаш шартлигини унутиб қўймайлик! Айниқса уларни бефарқлик, худбинлик каби кусурлардан ҳимоя қилиш баробарида, мурғак қалбларига яхшилик, меҳр-оқибат, муруват ва гамхўрлик уруғларини экишдек хайрли юмушни кечқиктирмасликнинг пайида бўлайлик!

Мақолага шу ерда нуқта қўйилган эди. Аммо кеча кечжурн ишдан қайтар эканман, икки синфдошнинг учрашувиға беҳиётёр гувоҳ бўлиб қолдим.

— Ие, Бахти, ўзингмисан? Бор-мисан, ўртқо?

— Ўзинг қалайсан, Шерзод? Анча ўзгариб кетибсан. Нима ишлар қилаёсан? Ҳалиям мактабда-мисан?

— Яъни, раҳмат. Ризқимни те-риб юрибман. Нолимайман, Ўзинг-чи, ҳалиям бозордамисан?

— Билсан-ку! Менга қара, анув ўқитувчимиз Муслим ака эсингда-ми? Она тилидан дарс беради.

— Бўлмасам-чи! Аммо зўр одам эди ўзиям. Ўқитувчиликка қизиқи-шига ҳам шу киши сабаб бўлган. Дарсларини роса қизқарли ўтарди-а! Эсингдами?

— Бе-е, нимасини эсламан? Кеча ўша Муслим акани кўрув-дим. Бозорда сигарет, курут сотиб ўтирибди...

Шу пайт автобус келиб қолди-ю суҳбат бўлинди...

Қозимда икки кишининг мунозарали иши қозига тушибди. Албатта, иккаласи ҳам иш ўз фойдасига ҳал бўлишни хоҳлабди. Шу сабабли бири қозига қирқ сўм, иккинчиси эса юз сўм пара берибди. Қози иккаласининг ҳам қўлини қайтара олмабди.

Келишган кун икки томон ҳам қозидан наҳот излаб келибди. У қандай ҳукм ўқишни билмай, чайналиб қолди. Шунда қирқ сўм берган киши қозига:

— Қозибобо, нега чайналасиз, қирқиб-қирқиб гапиринг, — деса, юз сўм бергани:

— Ха энди, қозибобо, ўртада юз бор, хотир бор, — деган экан.

Шунинг учун ҳам пара олган кишининг тили қисқа бўлади. Кимнинг пулини олса, ўшанинг ногорасига ўйнаши керак. Бировнинг ногорасига ўйнаш ҳар кимга ҳам ёқармайди. Пара олиш ҳам, бериш ҳам қонунан ман қилинган бўлса-да, негадир баъзилар билиб туриб пул сўрашади, билиб туриб пул беришади. Қуйдаги мисолларни ҳам айнан порахўрлик ҳақида.

Илгари Фазлиддин автосаройда ҳайдовчи бўлиб ишларди. Нима бўлдию, омад юз ўтириб, ишсизлар каторига қўшилиб қолди. Бир муддат ишсиз юрди. Таниш-билишлари орқали Самарқанд шаҳридаги «Элегант стил» масъуляти чекланган жамиятига ҳайдовчи бўлиб ишга кирди. «РАФ» маркази автоташинани ижарага олиб, жамиятга тегишли бўлган 35-йўналишда йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Аммо, кўп ўтмай машина эгаси билан ижара ҳақи устида келишолмай қолди. У бир ойларча ишсиз юрди, қараса пул топмаса бўлмайди, ахир тиракчилик дегандай...

Уйлай-уйлай охири дўсти Латифнинг олдига бориб маслаҳатлашди. Латиф ҳам 27-йўналишда йўловчиларга хизмат кўрсатарди.

— Майли, дўстим, ахволинг оғир экан. Менинг «Дамас»-имни бир кун сен ҳайдайсан, бир кун мен ҳайдаман, бўлтимми? — деди Латиф Фазлиддинга.

— Дўстим, қандай бўларкан? —

иккиланди Фазлиддин. — Бунинг учун рўйхатдан ўтиш, йул варақасини ва жамият раисининг розилигини олиш керак.

— Ишинг бўлмасин, бугўни ўзим гаплашиб бераман, — деди дўсти. Шундан сўнг Латиф Фуқароларга автотранспорт хизматини кўрсатадиган «Элегант стил» МЧК раиси Фуқат Ҳотамовга бориб учрашди. Раис ҳайдовчининг мақсадини эшитгач, уйлаб туриб: «Бекорга мушук офтобга чиқмайди деган мақолни ашитганмисизлар?», — деб сўради.

— Албатта. Бир иложини топармиз.

— Унда жуда соз. Оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, юз минг сўм.

— Э, ака, ҳозирча дўстимда бунча кун йўқ. Ишни бошласин, бир-икки кунда тўғрилаб беради, — деди Латиф гуноҳхорона.

— Булмас, ҳеч иложи йўқ. Уйла, изла, топ, — деди катъий оҳанда жамият раиси.

Шундан сўнг Фазлиддин Ф. Ҳота-

мовнинг олдига бир неча марта борди. Аммо у: «Пул олиб келмасанг, йўлда қатнашга рўхсат бермайман», — деб туриб олди. Иложсиз қолган йигит Миллий хавфсизлик хизматининг вилоят бошқармасига ариза берди.

Белгиланган кўни пулни олиб Фуқатнинг ишончасига борди.

— Ха, опкеддингми? — деди у Фазлиддинга.

— Мана, роппа-роса юз минг сўм, — йигит чўнтагидан пулни чиқариб, столнинг устига қўйди.

Жамият раиси пулга бир разм солиб, тортмасига солиб қўйди ва: — Эртдан йўлга чиқишинг мумкин, — деди.

Аммо хонага қутилмаганда ташриф буюрган орган ходимлари Ф. Ҳотамовни жиноят устида қўлга олишди.

Судда «Элегант стил»нинг раиси Ф. Ҳотамов айбига иқроор бўлди ва қилмишига яраша жазосини олди.

Қасбнинг яшай-ёмони, осон-қўйини бўлмайди, уларнинг ҳаммаси ҳам ўзига яраша масъулият талаб этади. Бирок, шундай касб эгалари борки, уларсиз ҳаётни тасаввур қилиш мушкул. Шифокорлик шундай

мураккаб ва шарафли касб. Соғлиқ посбонлари ҳисобланган шифокорлар доимо халқ эъзозиди. Чунки бирор жойимиз оғриси, шифокорга юғурамиз. Одамлар шифокор хузурига ноилжликдан наҳот истаб боришади. Лекин улар-

киши учун оғир жазо.

Нафс кимларни йўлдан оздирмайди дейсиз. Аммо болалар рижига чанг солаётганларни эшитсангиз жаҳлингиз чиқади. Болалар богчаси ҳақида ҳам гоҳида ҳар хил миш-мишлар эшитасиз. Самарқанд шаҳридаги 72-болалар богчаси мудири Раъно Қосимова ҳам пулни яхши кўрайдиганлардан экан. У хузурига келган Хуррам Нейматовни очиб чехра билан қутиб олди. Саломалиқдан сўнг:

— Опазон, қизчамни сизнинг богчангизга жойлаштирсан дегандим, — деди Х. Нейматов.

— Ҳозирча бизда ўрин йўқ-да, —

Нафс домтида

нинг ҳаммаси ҳам биз кутгандек «наҳот фаришта»-си бўлавермас экан.

Елена Герасимова бир неча йиллардан буён вилоят Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш маркази 1-акusherлик бўлими бошлиғи лавозимида ишларди. Обру-этибори жойида, қўли енгил доя сифатида машхур эди.

Афсуски, одамзотнинг қонида нафс аталмиш бало бор... Елена ҳам ўзига ортқача бино қўйиб юборди. Хузурига даво истаб келган Дилаф-рузидан кешиш йўли билан тугдириш эвазига 200 минг сўм талаб қилди. Албатта, ҳуқуқини яхши билган Д. Рўзиева унинг тазмағирлигига индамай қараб турмади, тегишли илдорага ариза билан муурожаат қилди.

Утказилган тadbир давомида Е. Г. Герасимова халатининг чўнтагига пулларни жойлаштириб қўлга қўлиниди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган ўтган йилда юртимизда ушбу соҳага катта эътибор қаратилди. Баъзи шифокорларнинг бундай ҳурмат-этиборнинг қадрига етмай, юқоридагига ўшаш ҳаракатларни содир этаётгани ачинарлидир. Эл назаридан қолиш эса ҳар қандай

деди мудир ясама табассум билан.

— Ха энди, бир иложини қилинг, хизматимизни аямиймиз.

Х. Нейматовнинг сўнги гапидан ўзича хулоса чиқарган мудир юз доллар билан қизингизни богчамга оламан деб юборди.

Хуллас, мудир уч ёшли Комила Қариевани богчага жойлаштириш учун 120 минг сўм олаётганда қўлга тушди. Бундайларга эссиз мансаб, эссиз аёл балоқан дегинг келсади.

Динимизда порахўрлик қаттиқ қораланади, пора «ҳаром лўқма» дейилади. Шу лўқмани еб қатта бўлган болалар ота-онасига зулмкор бўлади. Қўздан нури, белидан қуввати кетган ота бетаини боласининг қасридан минг-минг надомат билан дундан ўтади. Аммо кейинги пушаймон ўзинга душман деганлар-ку. Бола-чага боғиш дардида порахўрликка қўлаётганлар ана шу ҳақиқатни билиб қўйишса, фойдалан холи бўлмасди...

Б. ЮСУПОВ,
Самарқанд вилоят
прокуратураси бўлими бошлиғи
И. ЙЎЛДОШЕВ,
вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Фирибгарлик ва товламачилик йўлига кирган баъзи шахслар ўзларини гоҳ солиқчи, гоҳ ҳуқуқшунос, гоҳида муҳбир, гоҳида йирик бир амалдор қилиб кўрсатиб, ноҳақ ишларга қўла уратганини эшитиб қоламиз. Шундай бўлса-да, баргирекенг, ишонувчан бўлганимиз учунми, бундайларга кўп ҳам эътибор беравермаймиз. Орамизда ложақал назоратчининг исми-фамилияси, адреси, иш жойи-ю хизмат гувоҳномасини сўраб-суриштиришга истихолона қиладиганлар ҳам бор. Бундан фойдаланган фирибгарлар содда одамларни ҳар қадамда илдорага ҳаракат қилдиладилар. Кўпгина бунга эришадилар ҳам. Шундай фирибгарлардан бири Узун туманида яшовчи Ойбек Очилдиевдир.

Ойбек 2006 йил 15 июли куни Тошкент шаҳар «Чилонзор» метро бекати ёнидаги компютер марказида пул эвазига «Жаннатмакон» журнали муҳаррири деган сохта гувоҳнома тайёрлатди. Бош муҳаррир ўрнига ҳеч иккиланмай ўзи имзо қўйиб, бир пасда қалбаки ҳужжат эгаси бўлди.

Шундан сўнг О. Очилдиев Сурхондарё вилоятига келиб, «Мен «Жаннатмакон» журналинда муҳаррир бўлиб ишлаяпман» деб ўша сохта гувоҳнома асосида кўпгина кишиларнинг ишончига кирди.

Сохта муҳаррир 2006 йил 3 сентябрда вилоят ҳокимлиги меҳмонхона комплексига бориб, хизматчиларига ўзини Ўзбекистон аёллар кенгаши матбуот котиби деб таништирди. Меҳмонхона маъмуриятининг ишончини қозониб, фирибгарлик йўли билан бир ерда бир неча кун «меҳмон» бўлса-да, ётоқ учун бир тийин ҳам тўламайди. Ваҳоланки, у меҳмонхонада яшаган кунлари учун 104 минг 600 сўм тўлаши керак эди. Шуниси ажабланирлики, меҳмонхона хизматчилари «котиб» яшаган кунлари беминнат хизмат кўрсатсаларда, у ҳақда тузувкор суриштириб қўришмаган.

Ҳўш, Ойбек Очилдиев аслида ким? Йигитлик шаънига иснод келтирувчи бу ишларга у нега кўп урди? 1987 йил 25 майда Сарисий туманида туғилган, ҳозир Узун тумани марказида яшайдиган бу кимсани жиноятга етаклаган куч бекорчилик бўлса не ажаб?

— 2005 йили Жарқўрғон маийши хизмат коллежидиқошидагиқисқа муддатли радиотехника курсида ўқидим, — дейди О. Очилдиев ўз кўрсатмасида. — Шундан сўнг Термиз шаҳрига келиб, «Янги аср» радиоканалида шартнома асосида бошловчи бўлиб ирош ишладим. Радиода ишлаб турган вақтимида, яъни 2005 йил май ойида Бойсун туманида ўтказилган «Бойсун баҳори» халқаро санъат фестивалида қатнашиб, ўша ерда хизмат сафарига бўлган «Жаннатмакон» журнали муҳаррири Маълуда исмига билан танишдим. Сўхбатимиз давомида у «Жаннатмакон» журналинини тарқатишда ёрдам беришини сўради. Мен рози бўлиб, 2006 йил январ ойидан бошлаб ушбу журнални вилоятимиз туманларига тарқатишда кўмаклаша бошладим. Бир кун онадан хизмат гувоҳномасини беришларини сўрадим. У кўнмади, шартнома асосида ишлаётган кишиларга гувоҳнома бе-

қариндошлари, яқинлари ва маҳалла аҳлига алвон гувоҳномасини кўрсатиб:

— Тахририятимиз кам таъминланган оилаларни ижтимоий химоялашга ҳам катта эътибор қаратаётми. Айниқса, бундай оилалардан ўқиб истагиди бўлган ёшлар эътиборимизда. Кимда-ким ўқийша кирмоқчи бўлса, менга учрашин, — деди Ойбек томоқ қириб.

— Барака топинг, тиббиёт коллежига ҳам кирита оласизми? — сўради ота-оналардан бири.

— «Любой» коллежга кучим етади. Ҳужжатларини ҳам ўзим топшираман. Болангиз қатнаб, овора бўлиб юрмасин. Ҳозир йўлқира ҳам қиммат бўлиб кетган. Бунинг учун менга оз-оз карарасаларингиз бўлди. Фарзандингизни ўқийша киритганим учун пул олмадим. Булар бари савоб йўлига. Тахририятимизнинг топшириғи ҳам шундай.

ради, Пўримоққ кийинмасанг муносабат ҳам шунга яраша бўлади дерди О. Очилдиев.

Дарвоқе, қабул мавсумида «муҳаррирнинг бош қашиги» «вакти» бўлмади. Чунки август-сентябр ойларида хотин-қизларнинг жойлардаги «муаммо»ларини аниқлаш мақсадида туманларда чўябдириб изғиб юрди. У гоҳ шимоллий, гоҳ жанубий туманларда бўлиб, хотин-қизлар фаолиятини, уларнинг дарду ҳасратларини «ўрганар», ўзини уларнинг содиқ дўсти, ҳуқуқ ва манфаатларининг химоячиси қилиб кўрсатарди. Уларга «ҳал қиламиз», «ҳорасини топамиз», «ёрдам берамиз» деган гапларни тўтиқушдек тақоррорлар ва ён дафтарга аёллар муаммоси, уларни ташвишга солаётган масалаларни жимжимдор қилиб ёзиб оларди. Гапи охирида «бу ҳақда бош муҳаррирга, юқоридаги раҳбарларга бугунқоқ айтман» деб кўярди. Хотин-қизларнинг муаммолари бўйича

журналга мақола тайёрламоқчи эканлигини шаъма қилиб, вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси М. Қобилиевнинг ҳам

ишончига кирган эди. Раис иш билан қанчалик банд бўлмасин, сохта муҳаррир учун вақт топиб, уни тинглар, туманларга қилдиладиган «хизмат сафар»ларида ҳамроҳ бўларди. Уни «муҳаррир» билан бирга кўчган тумандаги кичик райслар ташвишчи О. Очилдиевни очиб чехра билан қутиб олар ва иззат-икром кўрсатарди.

Ҳамма даврларда ҳам фирибгарлар бўлган. Рус адаби Гогол «Ревизор» комедиясини айнан улар устидан қўлгандан, «башаранг қийишқ бўлса, ойнадан ўпкалама» деган сатрлар билан бошлайди. Ёки Чеховнинг «Бўқаламун» хикоясини олайлик. Орадан неча асрлар ўтган бўлса-да, адабнинг ўхшатиши фирибгар О. Очилдиев ва унинг қалтабин сафдошларига берилган баҳодек кўзга ташланиб турибди.

Дарвоқе, сохта муҳаррирнинг сирини фоти эитишди. Жиноят ишлари бўйича Сарисий туман суди унга қилмишига яраша жазо тайинлади. Ҳар ким ҳокимини ўради!

А. РАҲМОНОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

СОХТА МУҲАРРИР

рилмайди деди. Гарчанд бунинг жиноят эканлигини билсам-да гувоҳномани қўлда тайёрлашга аҳд қилдим ва бунга эришдим.

Юқорида айтганимиздек, қип-қизил гувоҳномани чўнтагига урган Ойбек Термиз сари учди. Аввало ўзи яшаган, лақма-ю соддасини яхши биладиган Сарисийда ва Узун туманларида «иш бошлади». Қора чарм сумкачани қўлтиқлаб, мўътабар идораларга бирма-бир кириб чиқди. Ўзини ўти сипо туртди. «Жаннатмакон» журнали муҳарриратини топшириши билан икки туман хотин-қизлари ўртасида спартакиада ўтказажга, спорт — соғлиқнинг гарови эканлиги, аёллар ўртасида камқонлик қўлтиғи, бу ҳаракатсизлик ва овқатланш режимига амал қилмаслик тўғрисида содир бўлаётгани, Тожикистон алюмин заводидан таралаётган захар тўғрисида йуз бериётган фожеалар ҳақида гапирди. Хуллас, гапчинчо эмасми, ёлғон-у чиндан қўшиб, қазо-қазо раҳбарларни оғзига қаратди, «Саломатлик — туман бойлик» шiori остида спартакиада ўтказадиган бўлди.

Одамлар бу гаплардан ҳангу манг бўлиб қолишди. Қандай ойланбон одамлар бор-а дейишди Ойбекча ҳавас билан боқиб. Уз билими билан ўқийша киришга ҳафсаласи бўлмаган Муҳаммадиев Аббос, Муҳаммадиев Зариф, Поёнов Фаррух, Жалилова Мехринисоло Ойбекча 75-100 минг сўмдан йўлқира беришди. Афсуски, улар ўқийша кириш у ёқда турсин, ҳужжат топширишга, коллеж остонасини ҳатлаб ўтишга ҳам муяссар бўлмадилар. Чунки сохта муҳаррир «бир-бирдан долларб муаммолар» билан банд бўлиб, орзуманд юрдошларининг ҳужжатларини уч ойдан зиёб вақт ўзи билан олиб юриб, ҳатто қабул комиссияга топширишга ҳам вақт «тополмади». «Муҳаррир»га ишонган тўртала абитуриентнинг ҳам орзуси саробага айлиниб, лабларини тишлаб қолишди. Аслида йўлқира учун берилган пулларга «муҳаррир» Термиздаги буюм бозоридан ўзи учун пўрим уст-бош, пойафзал харид қилганди. Ахир, муҳаррир дегани башанг кийиниши, савлат тўкиби юриши керак-да! Одамлар ҳозир кийимини ҳар қилсалом бе-

(Давоми. Бошланиш ўтган сойда).

— Ҳечқиси йўқ, тирик қолибсиз, — деди Турсунбой ҳамдардлик билан.

— Уйинг нечанчи қаватда? — сўради аёл ва шикаста товушда қўшиб қўйди, — мен сал у ер-бу еримга қараб олишим керак. Сволочлар! Зўрга эмас, клуб кўчадан подъездларингга етиб келибман... Совуқдан музлаб ўлиб қолай дедим...

Турсунбойнинг нотаниш аёлга раҳми келиб, қўлтиқлаб квартирага олиб кирди. Шунанга аҳволга тушиб қолган бегона аёлни кўчада қолдириб кетолмайди-ку ахир! Уйга киришгач, унинг уст-бошини ечишга ёрдамлашди. Хонанинг иссиқлиги таъсир қилди, аёлга жон киргандек бўлди.

— Мен бир ювиниб олсам бўладими? — деди лой, тупроқ чапанланган, қорда ҳў бўлиб кетган пальтоси билан куйлагига жиркангандек қараб.

— Бемалол, — деди Турсунбой, — мен чой қўйиб тураман!

Аёл пальтосини қўлтиқлаб ваннага кириб кетди. Турсунбой унганча ошхонадаги стол устига қолбаса, пишлоқ, товуқ гўшти қўйиб, чой дамлади.

Бир маҳал ошхона эшиги очилиб, остонада бояги нотаниш аёл кўринди. Турсунбой беихтиёр уша тарафга қаради-ю, анграйиб қолди.

У Турсунбой ўйлаганчалик кекса эмас, балки ниҳоятда келишган, қош-кўзлари полукдек, ўттиз ёшлардаги дўндиққина жувон экан. Кўнгиракдек ҳў сочлари елкаси узра ёйилган, худди эртак китобларидан чиқиб келгандек соҳибжамол маликаларга ўхшаб кетарди.

— Ужин тайёрми? — жилмайди жувон тилла тишларини алтиратиб.

— Тайёр, марҳамат, — деди Турсунбой шошилиб.

— Уҳу! Ассортимент зўрку! — деди аёл сочлик билан сочларини артганча столга яқинлашаркан, — жуда бой яшаркансан!

— Бу... Менинг уйим эмас, — деди Турсунбой хижолатомуз оҳанга. — Бу... ҳалиги... тоғамнинг уйи. Улар дам олишга кетишган. Мен қоровулман...

— Қоровулмас, соқчи дегин! — қиқирлаб кулди жувон ва пиёладаги чойдан ҳўпларкан яна Турсунбойга қаради. — Совуқ жуда ўтиб кетди. Бирон иситадиган нарсанг йўқми?

— Ана, кўк чой, — тушунмади Турсунбой.

— Чой эмас, — кулди аёл, — ароқми, коньякми дейман? Ичим яхлаб қолганга ўхшайди...

— Бор, бор, — деди Турсунбой ва шафдан битта ароқ билан коньяк олиб столга қўйди, — бўладими?

— Буниси бошқа гап! — қафтларини бир-бирига ишқалади аёл. — Очмайсанми бунини? — Мен... ичмайман, — деди Турсунбой, — умуман ичмаганман...

— Ўзинг ичмасанг, менга қўйиб бермайсанми? — кўзларини айёронга сузди аёл. — Кавалер ҳам шунақа бўладими? — Мен кавалер эмасман,

студентман, — деди Турсунбой бу сўзнинг маъносини тушунмай.

Аёл қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Уйланганмисан ўзи? — Йўқ, — уялиқираб жавоб берди йигит. — Айтдим-ку, ҳали талабаман.

— Нима, талабаларнинг хотини бўлмайдами? — унга синчковлик билан тикилди аёл. — Йўқ... ҳали ёшман. Энди йигирмага қираман, — деди Турсунбой довдираб. — Уйла-нишга ҳали вақт бор.

— Кўз остинга олиб қўйганинг борми? — яна сўради аёл. Турсунбой йўқ дея бош чайқайди-ю, қўшиб қўйди, — келини онам топади...

Аёлнинг кулгусидан хона жаранглаб кетгандек бўлди.

— Майли, кел, ўзингга ҳам қуй, — деди у Турсунбойнинг қовушиқсиз қўллари то коньяк



йигит, — деди аёл лабларини бурлиб. — Эрак ҳам шунақа бўладими?

Турсунбой яна ичишга мажбур бўлди. У ҳақиқатан ҳам ичкиликдан жуда узоқ йигит эди. Ичи ёниб кетгудек бўлди-ю, кейин ўзини анча енгил ҳис қилаётганини сезиб ўзиям ҳайрон қолди.

Шундан кейин аёл тап тортмай қўшни хоналарни айланди. Телевизор, видео, компютер, биллур идишларни кўриб танглайини тақиллатди. «Тоғанг бало одам экан. Миллионерга ўхшайди» деб кулди.

Эркин УСМОНОВ



ни очиб қадаҳга қўйгунча кузатиб тураркан, — уша бўлажак келин учун ичамиз!

— Йўқ, раҳмат. Ичмайман. Ичмаганман, — бош чайқайди Турсунбой. — Эртага имтиҳоним бор. Тайёрланишим керак.

— Майли, яхши йигит экансан. Бахтли бўл! — деди аёл қадаҳни гунча лабларига теги-заркан.

— Раҳмат.

Аёл қадаҳни бўшатиб, егуликларга қўл чўзди. Кейин яна ўзига қўйиб ичди. Турсунбойга ҳам қўйганиди, у йўқ деб қадаҳни нари суриб қўйди.

— Жуда галати экансан-ку-а? — кулди аёл кўзлари ёниб. — Келин учун ичилди... Сен учун ичилди. Энди мен учун ҳам ичмайсанми?

Турсунбой ноқулай аҳволга тушиб қолди. «Майли, — кўнглидан ўтди унинг, — ишқилиб, еб-ичиб тезроқ бу ердан кетса бўлди...»

У шундай хаёлда қадаҳни бўшатди.

— Бу бошқа гап, — деди жувон жилмайиб. — Энди овқатга қара! Исминг нима ўзи? Турсунбой айтди.

— Меники Флора, — деди аёл яна қадаҳларга коньяк қуяркан, — кел, энди танишганимиз учун ичамиз!

— Йўқ, раҳмат. Ичмайман, — деди Турсунбой.

— Мени хафа қилаяпсан,

масанг. Бу қанақаси? — у елкаларини учириб қўйди. — Балки, хотинларни ҳам кўрмагандирсан?

— Қанақа хотин? — сапчиб тушди Турсунбой.

— Масалан, менга ўхшаганини, — қаҳ-қаҳ урди аёл ва шартта ёқасини очиб, дуркун кўкракларини кўрсатди. — Бунақа нарсаларни кўрганмисан? — у шундай дея қўйлагига этакини кўтариб, ишора қилди. — Буёғи қалай?

— Қўйсангиз-чи, опа, — деди Турсунбой кўзларини олиб қочаркан. — Уят бўлади!..

Аёл туйқус унинг елкаларига билакларини ташлади.

— Сен менга ёқиб қолдинг, Турсунбой, — деди эҳтиросли шивирлаб. — Истайсанми... — Уйингизга кетмайсанми? — унинг гапини бўлди Турсунбой.

— Истасанг,

лади аёл.

— Йўқ, — бош чайқайди Турсунбой орқасига тисарилиб.

— Кел дедим, — аёл шундай дея қўлидаги қалаҳларни стол устига қўйди-да, Турсунбойни бағрига тортиб ва лабларига лабларини босди.

Турсунбой нима бўлаётганини тушунолмай қолди...

Фақат икковлари диванга йиқилишгани, аёл унинг лабларига қадаҳ тутаетгани, ўзи эса ютоқиб унинг кўкракларига ёпишганини эслаб қолди, холос...

Турсунбой тонг қоронғусида аранг кўзларини очди. Боши қарахт, кўнгли айнир, бутун вужуди қақшаб оғрирди. Гандираклар ўрнидан турди-ю, беихтиёр кечаси ўзи уйга бошлаб кирган нотаниш аёл — Флора-ни эслади. У йўқ эди. Ванна-хонани қаради, қўшни хона-ларга чиқди. Йўқ, унинг ўзи ҳам, кийимлари ҳам кўрин-масди.

«Наҳотки, кетиб қолган бўлса?» — хаёлидан кечди унинг ва кеча нималар бўлганини эслашга уриниб кўрди. Йўқ. Буларнинг ҳаммаси туш-

га ўшаб кетарди унинг назарида. Нималар бўлди — ўзи ҳайрон. Флора унга ёпишди-ми, ё Турсунбойнинг ўзи ун-гами?... Кейин нималар бўлди? Чироқ ўчди-ми?... Йулдаки чироқ ёниб-ўчди-ми, эшик очил-ди-ми? Кимлардир кирди-ми?... Ҳеч қайсисини аниқ-тиниқ эс-лаёлмайди.

Турсунбой шун пайт ўқишга боришини, бугун имтиҳони борлигини эслаб, девордаги осма соатга қаради-ю унинг та-гидаги телевизор ҳам, видео-магнитофон ҳам жойида йўқли-гини кўриб, югуриб қўшни хо-нага ўтди. Қулфланган ётоқхо-на ҳам очиқ-сочиқ, Компютер ҳам йўқ. Симларигина ерда ил-дондек чуваллашиб ётарди.

Йигит эси оғиб қолгандек пешонасини гижимлаб, сочла-рини юлган қўйи яна меҳмон-хонага кирди ва сервантдаги биллур идишларнинг кўпчи-лиги йўқлиги, тумбочкалари-ю эшикларини очилганини кўриб ваҳшиёна қиқчириб юборди. Жонҳолатда йўлакка югурди. Кўчага чиқилганидан эшик ҳам қич очиб эди... У «Ҳой, ким бор» дея қақирганча эшикни очди-ю, оёғи остидати ҳў пол-латтага тойиб кетиб, гурсиллаб йиқилди. Боши деворга зарб билан урилиб, кўзларидан ўт чиқиб кетгандек бўлди. Хуши-ни йўқотди. Темир эшик ҳамон ланг очиб, ташқаридан эса гувиллаб совуқ шамол кириб турарди...

Қаршисида қутилмаган меҳмон — соҳибжамол аёл қип-яланғоч, тўлин ойдек бўлиб, қўлида иккита қадаҳ тутганча турарди. Унинг қачон ечиниб, қачон қадаҳларини тўлдириб кел-ганига тушунолмай қолди.

— Қўйсангиз-чи... Бу... Бу қанақаси? — деди тили тутилиб.

— Яқинроқ кел, — шивир-

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖДЛК департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси бошқарма бошқаруви-нинг биринчи ўринбосари Жума Қаюмовга ўқаси **Баҳром ҚАЮМОВ**нинг вафот этганини муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Эшик очилиб... Ўв-в, яна ўша хира кириб келди! Куйдирган калайда ишшадди. Сал энгашган кўли кучоқ очади. Буни си энди ортқча!

Пардабўй ҳақ ноилож столини айлини ўтиб қучоқлашиб кўришшига мажбур. Чидайди-да энди. Бир йиллик таниши. Ҳар ҳафта шу аҳвол. — Опкелдим, — деди хира кўзи билан ташқарига имо қилиб.

«Янги машқларидан олиб келган» — ичида зил кетиб ўйларди Пардабўй. — Хм-м, яна хом-хаталадир? — деди қулиб.

«Ўзувчи» тумшайди: — Хоммас, яхши пишган! Иссиқкина, шундоқ онсангиз бас, зираси қурғур жуда хушбўй, димқоқа гуп этиб урадики, бай-бай! Буги буралиб-буралиб кўтарилди, маза қиласиз...

«Во ажаб, — ўйлади адабий ходим Пардабўй, — оҳорли гаплар тўқийдиган, сўз ўйиниққилдиган бўлибқолибдим? Наҳотки, шу гўрсўхтанинг ҳам ижодий қирралари очилса?». Ҳаммадан қутсаям, бу қочқош қаламқаш-

дан қутмовди...
— Қани олинг-чи.
— Ташқарида турибди.
Пардабўй хайрон бўлди.
— Нега ташқарида қолади, ёнингизда эмасми?
Гўрсўхта ишшайди:
— Шу ерга тўри опирайми? Бошқаларниям «ёрдам»га чақирасизми ё

ТУГУН

Ўзингиз туширасизми?
— Тушунмаямман, бошқаларнинг нима алоқаси бор? Ҳикоялар бизнинг бўлимда кўрилади-ку? Ўзим тушираман-да!
У «мен ҳозир» деди-ю ташқарига чиқди.

Уч-тўртта қоғозни қоралаб, сарлаҳнинг ўрнига «хикоя» деб ёзиб келадиган бу одамнинг асил исми Нуртўхта. Адабий бўлим ходими Пардабўй унга Гўрсўхта деб тахаллус қўйиб олган. Тўғри, ҳали бу «унвон»-

Ҳажвия

дан ҳеч ким хабардор эмас.
Бироздан кейин кўлида катта тугунни кўргангана Гўрсўхта кириб келди.

— Бу нима? — сўради адабий ходим.
— Тугун.
— Тугунлигини кўриб турибман-у... Ҳайронман, бу қанақа тугун ўзи? Нимага кўтариб юрибсиз?

— Ўша, ўзингиз айтган тугунни қилиб келдик-да!...
— Мен эслолмаямман. Тугунқилиб келинг деб қачон айтқувдим?
— Ўша... ўтган гал! «Хикоянгиз хикоядай қизиқ» тугунни бўлиши керак. Тугунингиз қани? — деб сўрадингиз. «Тугунингиз бўлмагач, ривожиям, ечимим бўлмайдими» деддингиз... Бизам жа-а оммасмиз, тушунмаем!

Мана, тугунни тугиб келдик. Ечимини энди ўзингиз эглайсиз-да, а, устоз?..

Мухаммад КОДИР

Турфа олам, турфа одамлар


ЯПОНАРГАЯМ ОСОНМАС

Тиниб-тинчмаган японлар катакана ва хирагана деб номланувчи икки хил фонетик алфавитдан фойдаланишар экан. Улар бир-бирининг эквиваленти ҳисобланса-да, ўзаро фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, катакана билан фақатгина ажнабий сўзлар ва исмларни, хирагана билан эса фақатгина японча сўз ва исмларни ёзишда фойдаланишади.

Бу алфавитларда товушни ифодоловчи ҳарфлар унчалик кўп эмас, бор-йўғи 64 та. Улар ҳам аниқ бир ҳарфини эмас, бўгинни ифодалайди. Аммо ана шу 64 та товуш-бўгин ҳам бизнинг алфавитдаги 29 ҳарф каби кўп товушни ифодалай олмас экан. Умуман, японларга бошқа товушнинг кераги ҳам йўқ, сабаби барибир улар бу товушларни (ёки ҳарфларни) талаффуз қилолмайдилар.

Японлар исм-фамилияга жиддий эътибор берадиган халқ. Улар фамилия ва исмларини хираганада ёзишни афзал кўрсалар-да, муҳим ҳужжатлар, масалан, банк ҳужжатларини икки хил: ҳам товушни ифодоловчи катаканада, ҳам иероглифини ифодоловчи хираганада ёзишар экан. У даражада муҳим саналмаган ҳужжатларга эса исм-фамилиясини фақатгина иероглифда ёзишади. Қизиқ жиҳати шуки, японларда имзо қўйиш деган тушунча йўқ. Бунинг ўрнига уларнинг ҳар бири исм-фамилиясини ифодоловчи иероглиф туширилган муҳрларга эга. Қизил бўёқ билан қўйиладиган бу муҳрлар биздаги имзо ўрнига ўтади. Энг қизиғи, уларда одатда ана шундай муҳрдан иккита бўлиб, бири муҳим, иккинчиси мундайроқ ҳужжатлар учун мўлжалланган.

Шунингдек, япониялик бўлмаган киши эъ фамилиясини хирагана (иероглиф)да ёзиши мумкин эмас, у мамлакат фуқаролигини қабул қилсагина исм-фамилиясини иероглифда ифодалаш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳатто иероглифдан фойдаланувчи хитойликлар ҳам бундай «имтиёзга» эга эмас. Қизиқ хитойликларнинг исм-фамилиясини иероглифда ифодаланса-да, бу мамлакатда мазкур иероглиф бошқача ўқилгани боис, улар ҳам исм-фамилиясини катакана, яъни товушни алфавитда ёзишига тўғри келар экан.



Саломатлик бекати

КОФЕ СКЛЕРОЗДАН ХАЛОС ЭТАДИ

Аниқланишича, кофени меъёрида истеъмол қилиб бориш одам миёсига ижобий таъсир кўрсатар экан. Олимларнинг бу борадаги янги изланишлари кофе инсон қангадана хотира сусайишининг олдини олишига кўрсатди. Чунки кофени мия ҳужайраларининг электрик потенциалини ўзгартирар экан. Бу эса хотиранинг кучайишига олиб келади.

Бермингем университети профессори Мартин Врунденкилнинг таъкидлашича, кўп истеъмол қилинадиган бу модда организмдаги нейронларга таъсир кўрсатиб, одам психикасини ўзгартиришга қодирдир. Бундан ташқари, кофени эътиборни кучайтиради.

Лекин кофени меъёридан ортқ истеъмол қилиш уйқу-сизлики келтириб чиқариб, юрак ва томирлар тизимига ҳам зарар етказиши мумкин.

КАШАНДА ОНАЛАР

Ҳомиладор аёлларнинг тамаки чекиши туғилажак боладаги иммунитет тизимига салбий таъсир кўрсатади, деган тўхтама-га келган австралиялик олимлар. Тўғри, бошқа олимлар ҳам аллақачон кашанда аёлларнинг болалари астма ва шунга ўхшаш нафас йўллари билан боғлиқ касалликларга мойил бўлишини таъкидлаб келишарди. Аммо бу масалани ҳали ҳеч ким илмий жиҳатдан батафсил исботлаб беришга улгурмаган эди.

Олтимиш нафар кашанда оналарнинг болалари ва яна шунча тамакидан узоқ бўлган аёлларнинг болалари устида олиб борилган изланишлар самарасиз кетмади.

Тадқиқотчилар болалардаги иммунитет тизимининг омилли бўлган энг муҳим оксил концентратларини ўлчам қўришганда, кашанда оналарнинг болаларида уларнинг икки тури етишмаслиги маълум бўлган. Ана шу икки элементнинг етишмаслиги организмнинг иммунитет тизимини шикастлайди ва оқибатда у касалликларга чалинишга мойил бўлиб қолади. Янаям ачинарлиси шуки, никотин боланинг туғма иммунитетидан ташқари кейинчалик шаклландиган иммунитетига ҳам таъсир ўтказар экан.



Тахрирсиз «интервью»

Модельер

Бугунги сўхбатдошимиз либослар бўйича ёш дизайнерлар фестивалининг умидли иштирокчиларидан.

— Бу сизнинг илк иштирокингиз экан. Таассуротларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Ман бу виставкага... Манга қаранг, сиз ўзи репортёрсизми?

— Ҳа... Шунчақ десаям бўлади.

— Видеокамеранигиз қани унда?

— Мен газетага интервью оламан, телевидени-ятамас...

— Ҳа-а, «Даракчи»гами?

— Йўқ, бошқа газета...

— Ну, ладно, гапираверайми? Ман бу виставкага ўзимни миллий йўналишдаги дизайнерларимиз оёкбаганиман. Устозим Галина Батировна шунчақ деганла. Коллекциям Бойсун вилоятидаги...

— Сурхондарё вилояти Бойсун тумани демоқчисиз-да?

— Шунчақ бўлса керак, речимни бўлмай туриг.

Кисқаси, ман ўша томонлардаги қишлоқи қизлар киядиган кийимлар бор-у, ўшаларга современий вид берганман.

— Нима деб ўйлайсиз, биринчи ўрин сизга насиб этармикан?

— Главийн приз?! Йў-э, ман проста Галина Батировна қатнаш деганлари учун қатнашвоман-у.

— Анча камтар экансиз. Айтинг-чи, дизайнерликка қизиқшингизга ким сабабчи бўлган?

— Тўққизини битирувдим, адамла «етар қизим, ўқиб шахар оберамидинг, энди тикувчиликни ўрганиб олсанг бўлди» деддилар. Ўзимдаям ўқишга вообше қизиқш йўғийди. «Машқура»ни тугатувдим, уйдагилар узатамигиза тушиб қолишди. Ман этдимки, ҳали катта модельер бўлман, кейин эрга тегаман дедим. Кейин устозим Галина Батировна билан танишиб қолдим.

— Тушунарли, устозингиз сизни дизайнерликни сехрли оламига олиб кирган ва сизда...

— Йў-ў, ҳеч қатта олиб кирганлари йўқ, ман-ў, проста модний кийим тикишларни ўргатоттила.

— Яхши-яхши. Газетамиз ўқувчиларига тилақларингиз?

— Нима?! Ўқувчилар? Мандан ўқувчилар газетасига интервью олдишимиз ҳали...

ШАВКАТ

Моҳият

да бўлмаса, адолатсиз қозилар ҳақида замонавий эртақлар тўқилаверад.

Қонунларни яхши билганлар эмас, балки унга амал қилганлар жамиятга кўпроқ фойда келтирадилар.

Мухаммад ИБРОҲИМОВ, тиббиёт фанлари номзоди

Исонлар тақдирини ҳақ қилиш имкониятига эга бўлганлар жазо белгиланган аввал улар гуноҳидан ўтиш чоралари ҳақида ҳам ўйлаб кўрсалар айни мудоао бўлар эди.

Касални даволашдан кўра унинг оидини олаган маъқул, деган ҳақмат нафақат тиббиёт ходимлари, балки ҳуқуқ жомияччилари-

га ҳам бевосита дахлдордир.

Маърифатли жамият бош-бошдоқликдан шуниси билан фарқланадики, бундай жамият-да шахс ҳар қандай тажовуддан ҳимояланган бўлади.

Судларнинг ваколати жуда катта. Лекин уларнинг бурч ва масъулиятлари ҳам шу даража-

Huquq

yuridik gazeta

Та'сисчи:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul ko'lib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib olinganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatib shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 152. 27 093 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.FOXALOV
Moschilhi: «A.MUSTAFOYEV»
Gazeta «Sharq» NMM boshxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonada Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Boshxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30 12' 56 78

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda